БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 10 (17.003). ● 12 январь 1978 йил, пайшанба ● Баҳоси 2 тийин.

КРЕМЛДА СУҲБАТ

СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин СССРга расмий визит билан келган Япония ташқи ишлар министри С. Сонодани 10 январда Кремлда қабул қилди.

С. Сонода Япония бош министри Т. Фукуданинг КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневга шахсий мактубини А. Н. Косигинга топширди.

А. Н. Косигин билан С. Сонода ўртасида Совет—Япония муносабатлари ҳамда ҳозирги халқаро вазият масалалари хусусида фикр олишув бўлди.

Амалий ва рўй-рост вазиятда ўтган суҳбат давомида А. Н. Косигин Совет Иттифоки халқаро муносабатларда ижтимоий тузумлари турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаш принципларини барқарор қилиш учун, ҳамма соҳаларда тенг ҳуқуқли, ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш ва кенгайтириш учун курашаётганлигини таъкидлади. Шу муносабат билан у СССР билан Японня ўртасида ҳар томонлама ҳамкорлик учун анчагина имкониятлар борлигини уқтириб ўтди ва бу ҳамкорликни барқарор асосда янада ривожлантириш муҳим эканлигини таъкидлади. Бунинг учун, албатта, ҳар икки томон куч-ғайрат сарфламоғи керак.

Яхши қўшничилик ва ҳамжиҳатлик йўли билан Совет—Япон муносабатларининг мустаҳкамланиши ҳар иккала мамлакат халқларининг манфаатларига мос бўлиб тушади ва Осиёда ҳамда бутун дунёда вазиятга ижобий таъсир кўрсатган бўлур эди, деб ипонч билдирилди. (ТАСС).

МУКОФОТ ТОПШИРИЛДИ

11 январь куни ГДРнинг СССРдаги элчиси Г. Отт ГБСП Марказий Комитетининг Бош секретари, ГДР Давлат Кенгашининг Раиси Э. Хонеккерининг топшириғига мувофиқ КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари М. А. Суслова КПСС Марказий Комитетида Карл Маркс орденини топширди.

М. А. Суслов СССРда социалистик ва коммунистик қурилиш ишидаги жуда катта хизматлари учун, халқаро коммунистик ҳаракатдаги хизматлари ҳамда КПСС билан ГБСП ўртасидаги қардошлик муносабатларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш ишига қўшган ҳиссаси учун, шунингдек туғилган кунининг 75 йиллиги муносабати билан ГДРнинг мана шу олий мукофотига сазовор бўлди.

М. А. Суслов юксак мукофот учун ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросига, ГДР Давлат Кенгашига, ГДР Министрлар Советига сидқидилдан миннатдорчилик билдириб, КПСС билан ГБСП ўртасидаги қалин дўстлик ва ўртоқларча ҳамкорликнинг рамзи бўлмиш бу мукофотни Совет Иттифоқининг шонли Коммунистик партиясига берилган мукофот деб биламан, деди.

Орден топшириш маросимида А. П. Кириленко, Б. Н. Пономарев, И. В. Капитонов, К. В. Русаков ўртоқлар, КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидатлар В. В. Загладин, О. Б. Рахманин, КПСС Марказий ревизия комиссиясининг аъзоси К. М. Боголюбов ҳозир бўлдилар.

(ТАСС).

СОВЕТ ТУРМУШ ТАРЗИ

Республикамиз меҳнаткашлари партия XXV съезди илгари сурган вазифаларни, ўнинчи беш йиллик план топшириқларини муваффақиятли бажариш учун умумхалқ курашида актив қатнашмоқдалар. Ҳар доим ҳаётда актив позицияда туриш, ўз ижтимоий бурчини юксак даражада англаш, сўз ва иш бирлигини кундалик хулқ-атвор нормасига айлантириш улар фаолиятидан муҳим ўрин олмоқда. «Совет турмуш тарзи ўз Ватанингга, ўз корхонангга ўзинг хўжайинсан, тақдирингни ўз қўлинг билан яратасан дегани. Эртанги кунинг янада нурли бўлиши учун бугунги ишни пухта қил. зиммангдаги вазифангни вақтида бажар, маҳсулот сифатининг ҳам, иш унумининг ҳам соз бўлишини таъминла дегани, — деб ёзади редакцияга йўллаган хатида Наманган шойи газламалар комбинатининг тўқувчиси Мукаррам Сандбоева. — Мен комбинатга, комбинат менга бегона эмас. Катта коллективнинг оддий аъзоси бўлсам ҳам, оддий тўқувчи ёки ип йигирувчи бўлсам ҳам корхона учун жавобгарман. Комбинат хўжайниман. Комбинат учун, коллектив учун жонкуярлик билан меҳнат қилишим керак. Коллективнинг ютуғи — менинг ютуғим».

Бу тажрибали тўқувчи ишлаётган саккиз кишилик кичик бир бригадада саккиз миллат вакили меҳнат қилади. Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун деган олий принцип бу коммунистик меҳнат коллективининг кундалик ҳаёт нормасига айланган. Бригада 34 ўринга 60 дастгоҳни бошқаради, унинг маҳсулотига давлат Сифат белгиси тамғаси босилмоқда.

Кундалик иши, турмуши, фаолияти билан жамиятимиз моҳиятини томчида қуёш жилвалангаиндай ўзида ёрқин акс эттирган бундай коллективлар орамизда кўп. Шахсий манфаатни коллектив манфаатидан устун қўйиш, интизомсизлик, юлғичлик, ахлоқ-одоб доирасидан чиқиш сингари одатлар уларга бутунлай бегона.

Совет кишисининг янги қиёфаси ,унинг коммунистик ахлоқи ва дунёқараши ўтмиш сарқитларига қарши доим муросасизлик билан олиб борилаётган курашда таркиб топмоқда, ривожланмоқда. Ҳаётимизда онда-сонда бўлса ҳам ҳамон учраб турадиган баъзи бир салбий ҳодисалар, зарарли удум ва таомиллар, турмуш тарзимизга батамом зид бўлган тамагирлик, порахўрлик, текинхўрлик, туҳмат қилиш, ичкилиқбозлик ва ўтмишнинг шулар каби ярамас сарқитларига қарши кураш олиб бормай туриб, коммунистик ахлоқнинг ғалаба қилиши мумкин эмас. Доҳий В. И. Ленин бу вазифанинг мураккаб, нозик ва муҳимлигини таъкидлар экан, ўтмиш нуқсонларидан ҳоли бўлган янги кишини тарбиялаш жараёни узоқ вақт талаб қиладиган қийин иш эканлигини, майда буржуа одатлари кўринишидаги психология ва ахлоқ соҳасида капитализмдан қолган «мерос»лардан декрет ёки буйруқ бериш йўли билан асло қутулиб бўлмаслигини, меҳнат кишиларини коммунистик онглилик рухида, ўтмиш сарқитларини енгиб ўтадиган қилиб тарбиялаш учун жуда ҳам жиддий иш олиб бориш лозимлигини қайта-қайта уқтирган эди.

Коммунистик тарбия вазифаси айниқса совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализм ғояларини, коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодекси принципларини меҳнаткашлар, аввало ёш авлод онгига сингдириш, одамларни тарбиялаш масалалари, коммунизмнинг муносиб қурувчиси бўлган янги кишини шакллантириш проблемалари бутун ишимизда катта ўрин олган бир пайтда, айниқса, муҳим аҳамият касб этмоқда. Партия, совет, касаба союз, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотларидан бу соҳадаги фаолиятларини янада кенгайтириш, ҳар бир кишида ҳуқуқ ва бурч бирлиги, меҳнатга ва ижтимоий бурчга онгли муносабатда бўлиш, социалистик турмуш нормалари ва қоидаларини сўзсиз ҳурмат қилиш, СССР Конституциясига қатъий риоя қилиш руҳини қарор топтириш асосий вазифалардан бири қилиб қўйилаётгани сабаби ҳам ана шунда.

Партиямиз ғоявий-сиёсий тарбия вазифаларини изчил ҳал этаркан, идеология ишлари самарадорлигини оширишга айниқса алоҳида эътибор бермоқда. КПСС XXV съезди бунга эришишнинг асосий йўли — бутун тарбия ишини комплекс тарзда олиб бориш, яъни меҳнаткашлар турли группаларининг хусусиятларини ҳисобга олиб, ғоявий-сиёсий, меҳнат ва ахлоқий тарбияни бир-бири билан чамбарчас боғлаб олиб бориш зарурлигини кўрсатиб берган эди. Бу йўл шахсни камол топтириш, унга янги жамият кишисига хос бўлган барча фазилатларни сингдириш имконини беради.

Андижон область, Избоскан районида янги кишини тарбиялаш юзасидан бир қатор ибратли ишлар қилинмоқда. Бу ерда ғоявий-тарбиявий ишларнинг комплекс плани ишлаб чиқилиб, муваффақиятли амалга оширилмоқда. Коллективнинг ижодий маҳсули бўлган бу планда ғоявий-сиёсий тарбия, ўнинчи беш йиллик планларининг бажарилишини идеологик жиҳатдан таъминлаш, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш, кишиларда ахлоқий фазилатларни қарор топтириш каби муҳим вазифалар қамраб олинган. Бу ишларнинг ҳаммаси КПСС XXV съезди қарорлари ҳамда ўртоқ Л. И. Брежневнинг нутқ ва докладларидан келиб чиқадиган қонда ва хулосалар асосида олиб борилмоқда. Кишиларнинг меҳнат ва ижтимоий активлигини ошириш, улар онгига янги, социалистик фазилатларни сингдиришда меҳнат коллективларининг роли ошиб боряпти.

Бироқ редакциямизга келаётган хатлардан, меҳнаткашларнинг мактубларидан яна шу нарса ҳам маълум бўлмоқдаки, ташкилий-тарбиявий соҳада партия олға сурган вазифаларни яхши билиб туриб, буйруқ амал қилмаётган, социалистик турмуш нормаларининг бузилишига нисбатан муросасозлик қилаётган коллективлар ҳам учраб туради. Бундай коллективларда интизомсизлик, тамагирлик, юлғичлик каби иллатларга нисбатан зарур даражада жамоат ва маъмурий чоралар кўрилмаётир. Турмушимизга ёт бўлган бундай холларга қарши бирдан-бир чора — аёвсиз кураш олиб бориш керак эканлиги баъзан унутиб қўйилмоқда. Сўз билан ишни бирбиридан ажратиб қўйиш қандай формада бўлмасин, совет турмуш тарзимизга зарар етказишини асло эсдан чиқармаслик керак.

Биз ғоят уюшган, юксак ғоявий ва онгли меҳнаткашларнинг — ватанпарвар ва интернационалистларнинг жамиятида яшамоқдамиз. Бу жамият қудратли ишлаб чиқарувчи кучлар, илғор фан ва маданият барпо қилинган, халқ фаровонлиги муттасил ўсиб бораётган, шахснинг ҳар томонлама камол топиши учун энг қулай шароитлар вужудга келаётган, ҳар бир кишининг бахт-саодати тўғрисида ҳамманинг ғамхўрлик қилишини ва ҳаммани бахт-саодати тўғрисида ҳар бир кишининг ғамхўрлик қилишини ўз ҳаётининг қонуни қилиб олган жамиятдир. Шундай экан, ҳар бир меҳнатчи жамият моддий ва маънавий неъматларини янада кўпайтириш, совет турмуш тарзини қарор топтиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоги лозим.

«Союз-27» космик кемасининг командири Владимир Александрович Жонибеков.

«Союз-27» космик кемасининг бортинженери Олег Григорьевич Макаров.

Подполковник Владимир Александрович ЖОНИБЕКОВ

«Союз-27» кемасининг командири Владимир Александрович Жонибеков 1942 йилда Тошкент область, Бўстонлиқ районидаги Искандар посёлкасида туғилган.

У 1965 йилда Ейск учувчилар Олий ҳарбий авиация билим юртини тамомлаган. Сўнгра Ҳарбий-Ҳаво Кучларида инструктор учувчи бўлиб хизмат қилган.

В. А. Жонибеков 1970 йилдан бери Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг аъзоси.

В. А. Жонибеков 1970 йил космонавтлар отрядига қабул қилинган. У киши бошқарадиган «Союз» кемаси ва «Салют» орбитал станциясининг программаси бўйича учишга тайёрланиш тўла курсини ўтган. В. А. Жонибеков «Союз» — «Аполлон» кемаларининг биргалашиб учишига ҳам кема командири сифатида тайёргарлик кўрган эди. Киши бошқарадиган космик кемалар ва станцияларнинг учишини бошқаришда бир неча марта қатнашган.

Олег Григорьевич МАКАРОВ

«Союз-27» космик кемасининг бортинженери Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССРнинг космонавт-учувчиси Олег Григорьевич Макаров 1933 йил Калинин область Удомля районидаги Удомля қишлоғида туғилган.

У 1957 йил Бауман номли Москва Олий техника мактабини битиргач, конструкторлик бюросида ишлай бошлаган. Олег Григорьевич ўзини ташаббускор ва иқтидорли инженер сифатида кўрсатган, космик кемалар ва орбитал станцияларни яратиш борасидаги ишларда актив қатнашган.

О. Г. Макаров 1961 йилдан бери Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг аъзоси.

Олег Григорьевич 1966 йил космонавтлар отрядига қабул қилинган, «Союз» космик кемалари ва «Салют» орбитал станцияларида учишга тайёргарлик тўла курсини ўтган. Киши бошқарадиган космик кемалар ва орбитал станцияларнинг учишини бошқаришда бир неча марта қатнашган.

О. Г. Макаров биринчи марта космосга 1973 йилнинг сентябрида «Союз-12» кемасининг бортинженери сифатида учган эди.

«СОЮЗ-27», «САЛЮТ-6» ПРОГРАММАГА МУВОФИҚ УЧМОҚДА

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРКАЗИ, 11 январь. (ТАСС). «Союз-27» космик кемаси билан «Салют-6» станциясининг орбита бўйлаб учиши давом этмоқда. Ҳаракат траекториялари кеча кечқурун тўғрилаб қўйилганидан кейин «Союз-27» кемаси орбитасининг параметрлари қуйидагича:

— Ер юзасидан максимал олислиги — 302 километр;

— Ер юзасидан минимал олислиги — 257 километр;

— айланиш даври — 89,9 минут;

— оғиши — 51,6 градус.

Космонавтлар Владимир Жонибеков билан Олег Макаров «Союз-27» кемасидаги ишларни белгиланган программага мувофиқ бажармоқдалар.

Учувчи бошқараётган «Салют-6» станцияси экипажининг орбитада учаётганлигига бугун ўттиз уч кун бўлди. Космонавтлар Юрий Романенко билан Георгий Гречко пландаги экспериментларни бажаришда давом этмоқдалар, станция борт системалари ва аппаратларини контрол текшириб чиқмоқдалар.

«Союз-27» космик кемаси ва «Салют-6» станциясининг экипажлари ўзларини яхши ҳис қилмоқдалар. Учувчилар бошқараётган ҳар иккала аппаратнинг борт системалари нормал ишлаб турибди.

ҚОРДАҒИ СТАРТ

Янги йилга бир ой қолганда журналистларнинг Звёздний шаҳарчасида «Союз-26» кемасининг экипажи Юрий Романенко ва Георгий Гречко билан учрашуви вақтида космонавтларни тайёрлаш марказининг раҳбари авиация генерал лейтенанти Г. Т. Береговой «Союз-Салют» группасига бирлашган космонавтлар қандай программалар устида ишлаётганликлари тўғрисида бизга қисқача гапириб берган эди. Олимлар, халқ хўжалиги турли тармоқларининг мутахассислари космик тадқиқотлар олдига тобора катта-катта вазифаларни қўймоқдалар. Шунинг учун ҳам ҳар бир учиш сари космик техника такомиллашаётганлигига, экспедицияларнинг программалари мураккаблашиб бораётганлигига ажабланмаса ҳам бўлади. Шуни айта оламанки,— деди Береговой — келгуси йили шундай ҳоллар ҳам бўладики, ўшанда сизнинг бир оёғингиз Москва ҳududидаги учишни бошқариш марказида бўлса, иккинчи оёғингиз навбатдаги стартда бўлади.

Мана, 10 январь куни шундай ҳол рўй берди. Шанба куни биз учишни бошқариш марказида «Таймирлар»нинг овозини эшитган эдик. Улар «Салют-6» орбитал станциясида қариб бир ойдан буён ишламоқдалар. Орадан икки кун ўтгандан кейин эса янги экипаж — «Союз-27» кемасининг командири Владимир Жонибеков ва бортинженер Олег Макаров билан суҳбатлашдик. 35 ёшли Владимир Жонибеков «Союз-Аполлон» Совет — Америка программасида қатнашиш учун тасдиқланган дублер экипажлардан бирининг командири сифатида маълум. Унинг ўртоғи Олег Макаров илгари «Союз-12» кемасида муваффақиятли парвоз қилган. Уларнинг ҳар иккаласи турли стартларда бир неча марта дублер экипажларга тайинланишган.

Командир бундан етти йил муқаддам отрядга келган. Ўшанда у турли классдаги учадиган аппаратларни бошқаришни мукаммал эгаллаган тажрибали ҳарбий учувчи эди. Биринчи йўлдош учирилган йили Москва олий техника билим юртининг дипломини олган борт инженер мана 20 йилдирки, космик техникани ишлаб чиқиш билан боғланган. «Мен инженер сифатида қўл урган ластлабки чизмалар «Восток» кемасининг чизмалари эди»,— деб эслайди Макаров. У кўп йил академик С. П. Королев билан бирга ишлади ва конструкторлик бюросида билимдон инженерларнинг бири сифатида ном чиқарди.

Авиация генерал-лейтенанти В. А. Шаталов старт олдидан ўтказилган матбуот конференциясида Жонибеков — Макаров космик дуэти тўғрисида бундай деди: Бу экипаж ўзини жуда қаттиқ тергаб туради. Тайёргарлик кўриш учун экипажга нисбатан қисқа муддат берилган эди, лекин бу тайёргарлик сифатига асло таъсир қилмади. Бир-бирига нисбатан сезгир муносабатда бўлиш, максимал даражада баҳамжиҳат ҳаракат қилиш, вазифани бажаришга бутун фикр-зикрни қаратиб билиш — мана шуларнинг ҳаммаси космонавтларнинг асосий фазилатларидир.

Учишга уч кун қолганда космонавтлар орбитада ишлашлари лозим бўлган кемани сўнгги марта кўздан кечирдилар. Охирги марта текшириб бўлингандан кейин монтаж-синов корпусидаги космик стапелда кема учирувчи-ракета билан бирлаштирилади.

Шу кунларда биз космодромнинг турли томонларида бўлдик. Ҳамма жойда ишчанлик вазияти ҳукм сурмоқда, ҳамманинг кайфияти яхши. Айрим инженерлик группаларида партия йиғилишлари ўтказилиб, уларда коммунистлар КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми қарорлари асосида ўзларининг вазифаларини муҳокама қилдилар. Юксак сифат кўрсаткичлари билан самарали ишлаш шиори космик тадқиқотларнинг учинчи ўн йиллигини бошлаган космодром мутахассисларининг ҳаёт қонуни бўлиб қолди.

Космодром даштлари оппоқ кўрпа билан қопланган. Бу ерларда кам ёғадиган қор бугунги стартга байрамона тантанани бахш этган. Оппоқ либос кийган космонавтлар ҳозиргина ёққан қорга қадам қўйдилар. Старт майдончасига келиб тўхтаган заргалоқ автобусдан биринчи бўлиб командир чиқади. Унинг кўзлари қувончга тўла. Макаров зинапоядан тушишини кутиб тўхтаб турди. Мана уларнинг иккалови оппоқ корда роппа-роса 26 қадам ташлайди. Фоторепортерлар биринчи марта космонавтларнинг қордаги изини суратга оладилар. Учишга тайёр эканликлари тўғрисида қисқа рапорт берилади. Ок скафандр кийиб олган икки киши лифт сари одимлайди. Икки соатлик тайёргарлик эълон қилинган.

Ракетадан бир километр наридаги кузатиш пунктида биз ернинг «Памир» билан (экипажнинг радиопозивнойи ана шундай) сўзлашувларига диққат билан қулоқ солдик. Ҳар хил луқмалардан, старт олдидан берилаётган аниқ командалардан, гарчи «учирилсин» командасигача хали бир неча минут қолган бўлсада, иш аллақачон бошланганлигини тушунамиз. Дарвоқе учирилсин деган команда бериладиган вақт «Салют-6» орбитал станциясининг учиши билан қатъий боғланган.

Кузатиб қолувчиларнинг кўзини олган қирмизи оловнинг чақнашидан кейин ракета Байқўнғир осмонида зангори из қолдириб, юқорига кўтарила бошлайди. 1978 йилнинг биринчи космик сафари бошланди.

Байқўнғир космодроми.

Н. ЖЕЛЕЗНОВ,
ТАСС махсус мухбири.

САККИЗ ЙЎЛДОШ УЧИРИЛДИ

ТАСС АХБОРОТИ

1978 йил 10 январь куни Совет Иттифоқида Ернинг сунъий йўлдошлари: «Космос-976», «Космос-977», «Космос-978», «Космос-979», «Космос-980», «Космос-981», «Космос-982», «Космос-983» учирилди. Саккизта йўлдошнинг ҳаммаси битта учирувчи ракета ёрдамида орбитага чиқарилди.

Йўлдошларга ўрнатилган илмий аппаратлар космик фазони тадқиқ қилишни давом эттиришга мўлжалланган.

Барча саккиз йўлдошнинг ҳаракати ҳисоблаб қўйилган орбиталарга яқин бўлган қуйидаги параметрларда ўтмоқда:

— айланиш даври — 115,3 минут;

— Ер юзасидан максимал олислиги (апогейда) — 1520 километр;

— Ер юзасидан минимал олислиги (перигейда) — 1452 километр;

— Орбитанинг оғиши — 74 градус.

Йўлдошларда илмий аппаратлардан ташқари орбита элементларини аниқ ўлчайдиган радио системалар, приборлар ва илмий аппаратларнинг иши тўғрисидаги маълумотларни Ерга юбориб турадиган радиотелеметрик системалар бор.

Йўлдошларга ўрнатилган аппаратлар нормал ишлаб турибди. Координация-ҳисоблаш маркази олинаётган ахборотларни ишлаб чиқмоқда.

ЧОРВАДОРЛАР РАПОРТИ

Хонқа районидаги Ленин орденли Охунбобоев номли колхоз чорвадорлари беш йиллигининг учинчи йилини яхши бошладилар. Колхозда чорва қишлови намунали ўтказилаётир. Дастлабки кунларданоқ юксак маҳсулдорлик таъминланяпти. Моллар тўқ, соғлом асраляпти. Уларга рацион бўйича озуқа бериляпти.

Колхоз чорвадорлари ғўшт тайёрлаш юзасидан 1978 йил учун белгиланган планни муддатидан илгари адо этдилар. Давлатга 60 тонна бўрдоқи ғўшти етказиб берилди. Ғўштга топширилган ҳар бир қорамолнинг тирик вазни 430 килограммга етказилди. Бу меҳнат ғалабасига совхознинг Зиёд Мажидов мудирлик қилаётган ферма бўрдоқибоқарлари катта ҳисса қўшдилар. Чорвадорлар пландан ташқари давлатга ғўшт топширишни давом эттиряптилар.

Шунингдек, Косон районидаги «Ленинград» совхозининг чорвадорлари ҳам йиллик ғўшт сотиш бўйича берилган топширикни ошириб бажардилар. Совхозда ғўшт тайёрлаш бўйича белгиланган план муваффақиятли адо этилди. Тайёрлов пунктларига 55 тонна ғўшт етказиб берилди.

П. ГАДОЕВ.
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

* * *

Қарши районидаги Собир Рахимов номли совхоз бўрдоқибоқарлари катта меҳнат муваффақиятини қўлга киритдилар. Совхоз бўрдоқибоқарлари йиллик ғўшт сотиш планини шараф билан уддаладилар. Пландаги 53 тонна ўрнига 54 тонна бўрдоқи ғўшти етказиб берилди. Ғўштга топширилган ҳар бир қорамолнинг тирик вазни 430 килограммга етказилди. Бу меҳнат ғалабасига совхознинг Зиёд Мажидов мудирлик қилаётган ферма бўрдоқибоқарлари катта ҳисса қўшдилар. Чорвадорлар пландан ташқари давлатга ғўшт топширишни давом эттиряптилар.

Шунингдек, Косон районидаги «Ленинград» совхозининг чорвадорлари ҳам йиллик ғўшт сотиш бўйича берилган топширикни ошириб бажардилар. Совхозда ғўшт тайёрлаш бўйича белгиланган план муваффақиятли адо этилди. Тайёрлов пунктларига 55 тонна ғўшт етказиб берилди.

П. ГАДОЕВ.
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

РЕМОНТЧИЛАР ЮТУҒИ

Бўка районидаги Ильич номли колхозининг бутун техникаси шайлигига район мутахассислари аъло баҳо беришди. Хўжаликда ремонт қилинган машиналар ва қишлоқ хўжалиги қуролларининг кўпчиги тугаллаб, ҳар битта агрегатга «Д-78»: «дала ишларига ярокли» деган белги қўйилди. «Ўзсельхозтехника» район бирлашмасининг ходимлари деҳконларга механизмларни созлашда кўмаклашдилар. Улар устахоналаги диагностика стендида ўрнатилган электроника установкалари ёрдамида узеллардаги нуқсонларни белгилаб, ана шу узеллар қанчалик едирилиб кетганлигини аниқладилар. Бу камчиликларни тезда тугатиш имконини берди.

Колхоз механизаторлари техникани кўкламга тайёрлаб, минг гектар ернинг ҳаммасига чигитни энг яхши агротехника муддатларида — беш кун ичида экиб бўлишни мўлжаллаб турибдилар. Улар ипатоволиклар иш усулидан фойдаланадилар. Далада икки комплекс отряд ишлайди, уларнинг ҳар бирига тўккизтадан экиш агрегати бириктилади.

Бўка районида ҳозирнинг ўзидаёқ 475 та чопиқ тракторининг ҳаммаси, 340 дан ортиқ сеялка, 1400 дан зиёдроқ борона, плуг, ер текислайдиган ва тупроқни ишлайдиган бошқа механизмдар тахт қилиб қўйилди.

ШЎР ЮВИШ ВА ЯХОБ БЕРИШНИНГ БОРИШИ

11 ЯНВАРГА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар, иккинчи устун — бир кунда шўри ювилган майдон; учинчи устун— мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — бир кунда яхоб берилган майдон, бешинчи устун — мавсум бошидан буён (топшириққа нисбатан процеда ҳисобида).

ТОШКЕНТ	—	100,0	0,2	88,3
Андижон	0,8	92,5	0,2	83,3
Наманган	0,9	70,1	—	41,1
Жиззах	2,0	67,0	0,6	43,0
Сурхондарё	8,1	66,3	0,1	76,9
Сирдарё	2,0	56,4	1,1	62,1
ҚҚАССР	0,2	50,9	—	—
Бухоро	1,0	33,7	—	—
Фарғона	0,7	30,0	0,1	42,2
Хоразм	0,3	25,2	—	—
Самарқанд	4,0	22,0	—	26,5
Қашқадарё	1,1	13,8	—	14,7
Республика бўйича:	0,8	38,9	0,1	47,7

ТЕХНИКАНИ ҚАДРЛАЙЛИК ВА УНУМЛИ ИШЛАТАЙЛИК

Партиямиз қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантиришга ҳар қачонгидан ҳам катта аҳамият бериб, унн техника билан таъминлаш тўғрисида муттасил ғамхўрлик кўрсатмоқда. Эндиликда далаларимизда қудратли К-701 ҳайдов тракторлари, «Колос» дон комбайнлари, «Ўзбекистон» терим агрегатлари, яна бир қанча замонавий осма тракторлар ишлаб турибдики, улар ҳақли равишда қишлоқ хўжалигимизнинг суянган тоғи ҳисобланади. Ана шу техниканн оқилона ишга солишда республикамиз пахтакорлари фидокорлик ва ташаббускорлик намуналарини кўрсатмоқдалар. Пахтачиликни комплекс механизациялаш туфайли республикамиз йилдан-йилга пахта етиштиришни кўпайтиришга эришмоқда. Ўтган йили кўтариган 5 миллион 680 минг тонналик пахта хирмонида механизаторларнинг муносиб ҳиссаси бор. Ана шу ҳосилнинг 3.300 минг тоннадан ортиғи терим машиналари бункерларидан тўкилди. Қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларини механизациялаш ишлари ҳам жадал олиб борилмоқда. Жуда кўп хўжаликларда чорвачилик комплекслари қурилмоқда ва бу соҳадаги ишларни механизация зиммасига юклаш туфайли етиштирилаётган маҳсулот кўпайишгина қолмай, унинг таннархи арзонлашмоқда. Чорвачилик рентабелли соҳага айланиб бормоқда.

КПСС XXV съездида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга катта эътибор берилди. **Уничи беш йилликда қишлоқ хўжалигига «техника етказиб бериш 1,5 баравар кўпаяди, бу техника янада замонавий, серунум ва хилма-хил машина-механизмлардан иборат бўлади. Бу эса дон хўжалигини комплекс механизациялашни асосан тугаллашга, деҳқончиликнинг бошқа тармоқларидаги, шунингдек чорвачиликдаги механизация даражасини анча оширишга яқинлашиш имконини беради»** дея алоҳида таъкидлади партия XXV съездида КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев. Ҳақиқатан ҳам шундай бўлмоқда. Республика деҳқонлари йил сайин кўплаб янги замонавий техника олмоқдалар.

Лекин шунга қарамай мавжуд техникадан фойдаланиш, уни сақлаш, қувватидан тўла фойдаланиш, кўп йиллар самарали ишлатиш учун жойларда тегишли чора-тадбирлар кўриш ҳамиша долзарб масала бўлиб қолаверади. Республика халқ контроли органлари ана шу мақсадда қиш вақтида жойларда техниканн асраб-авайлаб сақлаш қандай йўлга қўйилганини оммавий текширувдан ўтказди. Бу ишда минглаб халқ назоратчилари қатнашдилар. Улар республикамиздаги 916 колхоз ва совхозларда ва бир қанча қишлоқ хўжалик ва сув хўжалиги ташкилотларида бўлиб, мавжуд тракторлар, комбайнлар, пахта териш машиналари ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналарини сақлашнинг аҳволини кўздан кечирдилар.

Омилкор деҳқон техниканинг қадрини билади. Техника мавсумда унинг оғирини енгил қилган экан, шу техника шарофати билан юқори ҳосил кўтариб, катта хирмон уйган экан, эл олдида ёруғ юз билан кўкрагини кериб юрган экан, ана шундай техникани қадрламай бўладими! Ишнинг кўзини билган деҳқон шундай қилади: терим техникаси ва қишлоқ хўжалик машиналарини мавсум тугагандан кейин тегишли техника қаровидан ўтказидида, усти ёпиқ ва махсус жойларга чиқариб асраб қўяди. Келгуси йилларда унумли ишлаши, бузилиб қолмаслиги тадбирларини кўради. Республикамизда техника қаровини яхши йўлга қўйган ва шу туфайли қишлоқ хўжалигида катта юксалишга эришаётган ўнлаб хўжаликлар бор. Йил бўйи ишлаган қишлоқ хўжалик техникасини тегишли техника қаровидан ўтказиб, мойлаб, усти берк жойларга ва машина-трактор паркларига чиқариб, ёғинсочинли кунларда яхши сақлаётган Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли, Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел», Олтариқдаги «Комсомол» ва Боёвутдаги «Коммунизм» сингари қатор хўжаликлар тажрибаси кўпчилик учун ибратлидир.

Республикамиз қишлоқ хўжалиги ҳақиқатан ҳам қудратли техникага эга. Унинг жуда катта қисми авайлаб сақланмоқда ва унумли ишлатилмоқда. Лекин баъзи хўжалик раҳбарлари янги техникага қизиқиб кетиб, мавжуд машиналарнинг қадрига етмаётирлар ёки уларни муддатидан илгари рўйхатдан чиқариб юборишга, ишлатмай қўйишга уринмоқдалар. **«Биз мавжуд имкониятлардан, ҳозирги кунда қишлоқ хўжалиги ихтиёрида бўлган барча восталардан тўла-тўкис фойдаланишимиз зарур. Афсуски, бу масалада бизда ҳали талайгина камчилик ва нуқсонлар бор»** деган эди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Ўртоқ Л. И. Брежнев. Текшириш давомида ана шу гапнинг нақадар ҳаққонийлиги, мавжуд техникадан тежаб-тергаб фойдаланишда талай камчиликлар мавжудлиги кўзга ташланиб қолди. Биз КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми кўрсатмаларини унутмаслигимиз керак. Пленумда мавжуд резерв ва имкониятлардан тўла фойдаланиш масаласи кун тартибига қўйилди. Шундай резервлардан бири — мавжуд техникани эҳтиётлаб сақлаш ва уни келгусида тўла қувват билан ишлатишдир.

Ўтказилган текшириш давомида республика Қишлоқ хўжалиги министрлиги колхоз ва совхозларида қишлоқ хўжалик техникасини сақлаш кўнгилдагидек эмаслиги кўриниб қолди. Таги асфальтланган гараж ва бостирмалар аслида 4850 та керак бўлса-да, ҳозирги кунда хўжаликлар ана шундай 2620 гараж ва бостирмаларга эга. Ана шунинг натижасида қишлоқ хўжалик машиналарининг 40 процентдан кўпроғи очиқ ва мослаштирилмаган жойларда сақланмоқда. Кейнинги икки йил ичида машина-ускуналар учун 449 та гараж ва бостирмалар қурилиши планлаштирилган бўлса-да, амалда унинг 270 таси қуриб битказилган, холос. Хўжаликларнинг ярмидан кўпроғи марказий ремонт устахоналарига эга эмас. Техника хизмати кўрсатиш пунктлари бор-йўғи 17 процентни ташкил этади. Бундай пунктларни қуриш планлари сурункасига бажарилмай келмоқда. Ҳозирги кунда текшириш ўтказилган хўжаликлардан 45 таси машина паркига эга эмаслиги, 240 тасида эса бундай жойлар асфальтланмаганлиги аниқланди. 175 хўжалик ҳозиргача машиналарнинг агрегат ва қисмларини сақлайдиган махсус омборларга эга эмас. Ана шунинг оқибатида йил бўйи ишлаган қўплаб пахта териш машиналари, тракторлар, комбайнлар очиқ жойда қаровсиз қолдирилган.

Деҳқонларимизнинг шундай таомили бўлар эди: куз тугаб, ҳосил йиғиштириб олингач, деҳқон кетмонини ювиб-тернб, шифтга осиб қўярди. Уни занглатмаслик тадбирини кўрарди. Келгуси йилда керак бўлишини ўйлар эди. Лекин эндиликда деҳқонларимиз қудратли техникага эга бўлатуриб, унга баъзан бепарволик билан муносабатда бўлмоқдалар. Натижада техника қорли-қировли далаларда қолиб, ишдан чиқаётир, бузилиб занглаётир. Бу нимадан дарак беради? Баъзи хўжалик раҳбарлари деҳқон меҳнатини енгиллаштираётган ва кўпчилик маблағи ҳисобига сотиб олинган қимматли техниканинг қадрига етмаяптилар. Бир мисол келтирамиз. Оқолтин районидаги Усмон Юсупов номли совхозда устахона қурилиши 9 йилдан буён битмайди. Ана шунинг натижасида жуда кўплаб машиналар очиқ жойда қолган ва занглаб ётибди. Бу хўжаликда 110 пахта териш машинаси теримдан кейин ҳалигача тегишли қисмлари ажратиб олиниб, ёпиқ жойга чиқариб қўйилмаган. Улар ҳатто техника қаровидан ўтказилмаган. Совхозда 600 квадрат метрли яхшигина бостирма бўлишига қарамай, техниканинг очиқ ҳавода ётишини қандай баҳолаш мумкин?

Бундай мисолларни Хоразм, Фарғона, Андижон областларидан кўплаб келтириш мумкин. Андижон областида 2500 машина ёки кўздан ўтказилган техниканинг 25 проценти қишки мавсумда сақлаш учун тайёрланмаган. Масалан, Ленин районидаги Ленин номли колхозда дон комбайнлари ҳамда пахта териш машиналари очиқ жойда қолдирилгани учун унинг ишчи аппаратлари ҳалитдан занг боса бошлаган. Андижон областининг Москва районидаги «Октябрь» ва «Ленинград», Бўздаги Тельман номли ва Пахтаободдаги «Правда» колхозларида ҳам қишлоқ хўжалик техникасига эътибор яхши эмас.

Текширишда кўздан ўтказилган 90 мингдан ортиқ трактор ва комбайнлар, пахта териш ва кўрак узиш машиналари, сеялка ва культиваторлардан 6,7 мингдан ортиғи ҳалигача тозаланмаган, 7 мингдан ошиғи кўтариб қўйилмаган, 10 мингдан кўпроғи мавсумий техника қаровидан ўтказилмаган, 4 минг машинанинг қимматли қисм ва ишчи агрегатлари ажратиб олиниб, омборларда сақлаш учун эҳтиётлаб қўйилмаган. Бундан ташқари, текшириш давомида 200 дан ортиқ қишлоқ хўжалик машинаси қисмларга бўлиниб, яроқсиз ҳолга келтирилганлиги аниқланди. Айниқса, Қорақалпоғистондаги Чапаев номли, «Равшан» шоличилик совхозларида ачинарли аҳволга дуч келинди. Бу ерда 32 трактор ва 46 шоли комбайнлари яроқсиз ҳолга туширилиб қўйилган. Уларнинг кўпчилиги ниҳоят 2-3 йил ишлатилган, холос. Қашқадарё областидаги Бегимқулов номли совхозда заводдан чиқарилганига ҳали 3-4 йил бўлмаган 6 та пахта териш машинаси қисмлари ташиб кетилиб, ўзи яроқсиз ҳолга келтирилган. Бундай фактларни Сирдарё, Жиззах, Фарғона областларидаги қатор хўжаликларда учратиш мумкин. Катта маблағ сарфлаб ишлаб чиқарилган бундай қимматбаҳо техникани арзимаган вақт ичида ишдан чиқариб қўйиш, аслида коллектив маблағини ҳавога совурриш билан баробардир.

Халқ назоратчилари текшириш давомида хўжаликларда яроқсиз деб топилиб, чеккага чиқариб қўйилган бундай қишлоқ хўжалик машиналарининг кўпчилигини қайта тиклаш ва ишлатиш тадбирий чораларини кўришга ёрдам бердилар. 22 минг қишлоқ хўжалик машинаси эса таги қаттиқ ва усти ёпиқ жойларда асраш учун чиқариб қўйилди. Халқ назоратчилари хўжаликларда асоссиз равишда ва муддати келмасдан техникани рўйхатдан чиқариш сингари кўплаб фактларга барҳам бериш тадбирларини кўрдилар. Текшириш давомида 72 та турли хил қишлоқ хўжалик техникаси муддатидан аввал рўйхатдан чиқариб қўйилганлиги аниқланди. Уларни қайта ишга туширишчоралари кўрилди.

Қишлоқ хўжалик техникасини сақлашдаги бундай камчиликлар республика Қишлоқ хўжалик министрлиги, «Главсредазирсовхозстрой» «Узсельхозтехника» бирлашмаси ва «Узплодоовощвинпром» ташкилотлари мана шу масалага етарли эътибор бермаётганликлари, қишлоқ хўжалик техникаси қувватидан тўла фойдаланиш учун етарли талабчанлик кўрсатмаётганликларидан далолат беради.

Халқ назоратчилари қишлоқ хўжалик техникасини сақлаш ва ишлатишда бошқа қатор камчиликларни ҳам аниқладилар. Жуда кўп хўжаликларда техникани асраш масаласига яхши эътибор берилмаётир. Кўпгина тракторлар механизаторларнинг ихтиёрига бериб қўйилган. Улар давлат машинасини ўз уйларида сақлаб, бозор-ўчар учун ҳам ишлатмоқдалар, ўз юмушларини бажармоқдалар. Ҳатто прицепларда одамларни ташиш ҳоллари учрамоқда. Хўжалик раҳбарлари энг аввало техникани асраш учун механизаторларнинг масъулиятини оширишлари керак. Механизатор ўзига топширилган қимматбаҳо машина учун тўла жавоб берсин. Унинг ишига йил якунида ана шунга қараб баҳо бериш керак.

Текшириш вақтида ҳар бир районда ҳам техникани ҳар жиҳатдан эҳтиётлаб сақлаётган хўжаликлар борлиги маълум бўлди. Худди ана шу хўжаликлар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиш ва ундан катта даромад олишда яхши натижаларга эришаётирлар. Техника шарофати билан бу хўжаликлар экономикаси йилдан-йилга юксалиб бормоқда. Район ташкилотлари техникага ҳолос қўйган, уни яхши сақлаб, қувватидан оқилона фойдаланиб, юксак натижаларга эришаётган ана шундай хўжаликлар тўплаган тажрибаларни кенг оммалаштиришлари керак. Бу оқибат натижада барча деҳқонларни техниканинг қадрига етишга ўргатади. Биз қишлоқ хўжалигимизга берилаётган янги техниканинг қудрати билан қанчалик фахрлансак, унинг қадрига шунчалик етишимиз ҳам керак. Хўжаликлар ихтиёридаги техникани оқилона ишга солиш жуда катта резерв бўлиб, машина-ускуналарнинг келгусида бекор туришини қисқартириш лозимлиги КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленумида ҳам алоҳида таъкидланди. Қишлоқ хўжалик техникасини қиш мавсумида кўз қорачиғидек эҳтиётлаб сақлаш шу куннинг муҳим вазифасидир.

С. РАШИДОВ,
Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитети раисининг ўринбосари.

БОЛАЛАР БОҒЧАЛАРИ ВА ЯСЛИЛАРИ ИШИ — «СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» НАЗОРАТИДА

КИЧКИНТОЙЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 60 йиллик байрами кенг нишонланган ва СССРнинг янги Конституцияси қабул қилинган тарихий йилда Қорақалпоғистон АССРда Эллиққалъа районн ташкил топди. Район партия комитети ва унинг бюроси дастлабки кунларданоқ сиёсий, ташкилий ва хўжалик ишлари қаторн болалар муассасаларининг ишини янада яхшилашга алоҳида эътибор бермоқда.

Районимиз ташкил топган вақтда хўжаликларда ўн битта болалар боғчаси бўлиб уларда ишчи ва колхозчиларнинг 475 нафар фарзанди тарбияланар эди. Мактабгача тарбия муассасаларига раҳбарлик ва уларнинг ишини яхшилаш мақсадида қатор тадбирлар амалга оширилди. Мавжуд болалар боғча-яслилари зарур инвентарлар, ўйинчоқлар, музыка асбоблари билан таъминланди. Уларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашнинг марказлаштирилиши эса яхши натижалар бермоқда. Барча боғча-яслилар электрлаштирилган, газлаштирилган. Ҳар бирида холодильник, телевизор, кир ювиш машиналари бор.

Боғчалардаги группаларнинг тўлиқ бўлишига эришиш ҳамда район марказида ва посёлкаларда вақт ичида яна 500 га яқин ўғил-қизни мактабгача тарбия муассасаларига жалб этишга муваффақ бўлинди.

Болалар боғчалари фаолиятига, тарбиячиларининг ишига ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Ҳозирги кунда районимиздаги 16 та болалар боғчасида меҳнаткашларнинг фарзандларини тарбиялаш билан машғул бўлган ходимларнинг 15 нафари олий, қолганлари эса ўрта махсус маълумотлидир. Боғча тарбиячилари ота-оналар, мактаблар билан ҳамкорликда болалар тарбиясини намунали олиб бормоқда. Мунтазам равишда ўтказилаётган семинарлар ва методик соатлар ёш авлодни ватанпарварлик ва интернационализм руҳида тарбиялашдек муҳим ишнинг дастлабки босқичлари учун жавобгар боғча ходимлари фаолиятига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Республика ва область ўқитувчилар малакасини ошириш институтлари ҳам тарбиячиларнинг билим ва савияларини оширишга хизмат қилмоқда.

Мактабгача тарбия муассасаларига ғамхўрликни кучайтиришда «Қирққизлоқ», Калинин номли, Оржоникидзе номли, Ленин номли ва Охунбобоев номли колхозлар бошқаларга ибрат бўлмоқда. Шу хўжаликлардаги болалар боғчалари тарбиячилари Гулчеҳра Юсупова, Бибисора Ишмуродова, Фарида Машарипова, Галина Шарипова, Гулсанам Назарова ва бошқалардан ота-оналар мамнун. Улар меҳнатсеварликларн, болаларга меҳрибонликлари туфайли эл-юрт ҳурматига сазовор бўлмоқдалар. Колхоз правленнелари ва партия ташкилотлари болаларнинг боғча-яслиларга қатнашн, нормал тарбиялаишн ва соғлом ўсишнга бош-қош. Кўпгина колхозларда боғчаларга махсус транспорт воситалари биркитилган.

Боғча-яслилар ишидаги илғор иш тажрибаларн кенг оммалаштирилмоқда. КПСС XXV съезди қарорларига жавобан, партия, совет ташкилотлари ва бутун жамоатчилик районда боғча яслилар тармоқларини янада кенгайтириш, мактабгача ёшдаги болаларнинг барчасини боғчаларга жалб этиш юзасидан тегишли чоралар кўрмоқдалар. Шу мақсадда барча қулайликларга эга бўлган замонавий болалар муассасалари ялада кўпайтирилади. Райондаги «Партия XXI съезди», Ленин номли, Оржоникидзе номли, «Эллиққалъа» колхозларида типовой болалар боғчалари қурилиши бошлаб юборилди. «Москва» колхозида қурилаётган 140 ўринли типовой боғча-ясли эса ҳадемай ишга туширилади. Ҳамма колхоз-совхозлар типовой боғча-яслиларга эга бўлади.

Мактабгача тарбия муассасалари ишида айрим камчиликлар ҳам мавжуд. «ҚҚАССР 50 йиллиги» ва «Бухан — Мерей» совхозларида боғча қурилиши сust бормоқда. Болалар боғчаларинни айримлари шу кун талаблари даражасида жиҳозланмаган. Районимиздаги мактабгача ёшдаги болаларнинг маълум процентнгина боғчаларга тортилгани бу соҳада ҳали қилинадиган ишларимиз кўплигини кўрсатиб турибди. Район партия комитети бу камчиликларни тезроқ бартараф этиш чора-тад. бирларини кўрмоқда.

О. ПРИМОВ,
Эллиққалъа район партия комитетининг биринчи секретари.

Об-ҳаёт мўл бўлади

Андижон сув омбори қурилишида қизғин кунлар давом этмоқда. Ҳозир иншоот тўғонининг баландлиги 85 метрга етди. Бу, қурилиш ниҳоясига етишини кутмасданоқ сув тўплашни бошлаш имконини беради. Сув омбори тўла-тўкис ишга тушгач, бу ерда 1750 миллион куб метр об-ҳаёт жамланиб, Ўзбекистон ва Қирғизистоннинг 450 минг гектар экин майдонини сув билан таъминлайди. СУРАТДА: Андижон сув омбори қурилишида.

Р. Ашуров ва Ш. Алимов фотоси. (ЎзТАГ).

Қаршн даштида қўлбола Тавимаржон «денгиз»ни» барпо этаётган гидроқурувчилар катта меҳнат галабасига эришдилар. Тўғон бутун масофада 14 метр баландга кўтарилди. Бу қўлбола денгиз 400 миллион кубометр сувни ёзга қадар тўплаш имкониятини беради. Ана шунча об-ҳаёт бир неча ўн минг гектар пахта далаларидагн ғўзани суғоришга етади.

«Главсредазирсовхозстрой» бўлинмалари ҳозироқ тўғон баҳрига 2,5 миллион кубометр тупроқ жойлаб, лойиҳада мўлжалланган барча ишларнинг тўртдан бир қисмини бажариб қўйдилар. 1,5 миллиард кубометр об-ҳаёт сиғадиган сув омбори 1980 йилдаёқ ишга тушириладн. Бу эса Қаршн даштида 350 минг гектар ерни суғориш имконнятини беради.

„КОСМОС-975" ПАРВОЗДА

ТАСС АХБОРОТИ

1978 йил 10 январда Совет Иттифоқида ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос-975» учирилди.

Йўлдошга космик фазони тадқиқ этишни давом эттириш учун мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган. Аппаратлар нормал ишламоқда. Координация-ҳисоблаш маркази олиб борилаётган ахборотларни ишлаб чиқмоқда.

(ТАСС).

СИФАТ БЕЛГИЛИ... БРАК

РЕСПУБЛИКА СУТ КОРХОНАЛАРИДА ТАЙЁРЛАНАЁТГАН МАҲСУЛОТЛАРНИНГ ХИЛЛАРИ ВА СИФАТИ ТАЛАБГА ЖАВОБ БЕРАДИМИ!

Республика сут корхоналари коллективлари КПСС тарихий XXV съезднинг кенг истеъмол моллари хилларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш борасидаги кўрсатмаларини ишлаб чиқаришга жорий эта борнб, муайян ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Шу йўлда кўпгина корхоналар энг янги технология асбоб-ускуналари билан қайта жиҳозланиб, тубдан реконструкция қилинди. Сут маҳсулотларини қадоқловчи, шиша идишларни ювувчи, ҳом ашёни туширишюклаш жараёнларини механизациялаштирувчи серунум поток линиялар ўрнатилди.

Мазкур тадбирларнинг амалга оширилиши туфайли тармоқ корхоналарида сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ошди ва сифати яхшиланди. Уларнинг айримларига давлат Сифат белгиси берилди. Иқтисодий кўрсаткичлар яхшиланиб, республикадаги барча сут корхоналари юксак рентабелли хўжаликларга айланди.

Бироқ, республикадаги кўпгина сут корхоналари ҳамон паст сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқармоқдалар. Уларнинг хиллари кўпаймаяпти. Аҳвол шу даражага борнб етдики, айрим корхоналар маҳсулот хилларини ўзбошимчалик билан қисқартирмоқдалар. Маҳсулот турлари бўйича мол етказиб бериш шартномасини қўпол равишда бузиб, савдо нуқталарининг розилигисиз ишлаб чиқариш планларига турли ўзгартиришлар киритмоқдалар.

Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги маҳсулотлар сифатини текшириш давлат инспекциясининг маълумотларига кўра, ўтган йилнинг ўн ойи мобайнида 1481 тонна сут маҳсулотлари текширишдан ўтказилди. Шунда 136 тонна маҳсулот ёки текширилган молларнинг 9,2 проценти брак деб топилди. Бу, 1976 йилнинг шу давридаги натижадан 0,2 процент кўп, демакдир. Баъзи корхоналарда текширилган маҳсулотларнинг катта қисми сифатсиз чиқди. Тўғри-да, ёғсиз, ачиган, маза-матрасиз, нотўғри қадоқланган, ифлос, етарли бўгланмаган сут маҳсулотларини қандай қилиб сифатли деб аташ мумкин?

Ўтган йилнинг иккинчи кварталида Фарғона сут заводининг 15,4, Марғилон сут заводининг 16,4, Самарқанд сут заводининг 50 процент маҳсулоти брак қилинди. Бунинг устига Самарқанд заводида тайёрланган брикетларнинг ҳар бири нормадаги 6 ўрнига 10—15 граммдан кам чиқди. Давлат инспекцияси ўтган йилнинг тўққиз ойи натижаларига қараб, ўн бешта сут корхонасига жарима солди. Мазкур корхоналарнинг олган 23 минг 52 сўм фойдаси давлат ҳисобига ўтказилди.

Келишиб олинган маҳсулот турлари бўйича мол етказиб бериш шартномасини бажармаслик ҳам истеъмолчиларнинг ҳақли эътирозини қўзғатмоқда. Тошкент шаҳар ижроия комитети Бош савдо бошқармаси ва «Гастроном» республика идораси маълумотларига кўра, Тошкент сут комбинати бир неча йилдан бери мунтазам равишда савдо нуқталарининг сут маҳсулотларига бўлган талабини бажармай келмоқда. Ушбу корхона раҳбарлари ўзларининг тор идоравий мақсадларини кўзлаб, савдо ташкилотларининг розилигисиз ишлаб чиқариш планига турлича ўзгартишлар киритадилар. Масалан, 1977 йилнинг ўн ойи ичида Тошкент сут комбинати савдо ташкилотларининг кефир ва ряженкага бўлган талабини бор-йўғи ўн-ўн беш, сервитаминли сут маҳсулотларига эҳтиёжини беш процент адо этди, холос. Пишлоқ массалари, ширин пишлоқларни эса умуман ишлаб чиқармади. Бунинг ўрнига савдо ташкилотлари сўраса-сўрамаса тортиб бериладиган сметаналарни уч-тўрт баробар кўп жўнатди. Тошкент сут комбинати ўтган йилнинг январь — октябрь ойлари ичида савдо нуқталарига 983 тонна сут маҳсулотлари, шиша идишларда 1690 тонна кефир ва ряженка етказиб бермади. Комбинатнинг халқимиз эъзозлаб истеъмол қиладиган 60 процент мойли қаймоқни 1976 йилдагига нисбатан 50 процент кам ишлаб чиқарганлигини нима деб баҳолаш мумкин? Кишини таажжублантирадиган мана бу фактга эътибор беринг. Тошкент сут комбинати 1976 йил 10 ойида 178 тонна қаймоқни савдо нуқталарига жўнатган эди. Ўтган йилнинг шу даври ичида дўконларга 86 тонна қаймоқ етказиб беришни планлаштирди. Натижада корхона қаймоқ ишлаб чиқариш ҳажмини қисқартириб, ўтган йили 1976 йилга нисбатан қаймоқ тайёрлаш планини сунъий равишда 32 тоннага ошириб бажарди. Хўш, планни бундай «ошириб» бажаришнинг кимга кераги бор?

Аҳолини сут маҳсулотлари билан таъминлаш Фарғона областида, айниқса, ёмон аҳволда. Бунга биринчи навбатда Фарғона, Марғилон ва Қўқон сут корхоналари айбдордир. Масалан, Фарғона сут заводи 1977 йилнинг январь — октябрь ойларида 202 тонна кам сут маҳсулотлари, жумладан, шиша идишларда 152 тонна, 24 тонна ширин пишлоқлар, 21 тонна 60 процент ёғли қаймоқ, 114 тонна қадоқланган творог етказиб бермади. Шу ойлан бирга 1976 йилнинг шу давридагига нисбатан сервитаминли сут тайёрлашни 167 тоннага, бутланган сутни — 448 тоннага, шиша идишлардаги қаймоқларни — 38,1 тоннага, ряженкани — 133 тоннага камайтириб, Тошкент шаҳрига 268 тонна кам сут маҳсулотлари жўнатди. Марғилон ва Қўқон сут заводлари ҳам Фарғона сут заводларига таклид қилиб сут маҳсулотлари хилларини йилдан-йилга камайтирмоқдалар.

Фарғона области сут заводлари маҳсулотларни ассортимент бўйича етказиб бериш шартномасини қўпол равишда бузишдан ташқари ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини юқорида айтилганидек пасайтириб юбормоқда. Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги маҳсулотлар сифатини текшириш давлат инспекцияси ўтган йил 5—7 июль кунлари Фарғона сут заводида текширув ўтказди. Текширишда 22 процент бўгланган сут, 100 процент чучук қатиқ, давлат Сифат белгисига сазовор бўлган ёғли қаймоқнинг 100 проценти, 100 процент творог брак деб топилди. Ҳаммаси бўлиб, 13 ярим минг килограммдан зиёд ёки 15,4 процент маҳсулот сифатсиз бўлиб чиқди. Марғилон, Андижон, Наманган сут заводларида ҳам аҳвол қониқарли эмас. Хўш, бунчалик кўп сут маҳсулотларини сифатсиз чиқарганликлари учун ким жавоб беради?

Шу ўринда яна бир масалани ўртага ташламоқчимиз. Маълумки, мамлакатимиз шаҳарларидагидан фарқли ўлароқ республикамиз сут маҳсулотлари харидорларнинг кучлари ва маблағлари ҳисобига ташилмоқда. Чунки, савдо ташкилотларида доимий ишловчи ихтисослаштирилган транспорт воситалари йўқ. Натижада савдо нуқталарида сут маҳсулотлари билан савдо қилиш кўнгилдагидек йўлга қўйилмаган. Бўлганда ҳам фақат эрталабки пайтларда бир-икки соат давом этади, холос. Шунинг учун савдо ташкилотлари ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқарувчи заводларнинг кучи ва маблағлари билан сутни марказлаштирилган усулда ташиш масаласини ҳал этиш пайти келди. Марказлаштирилган усулда ташиш муаммосининг ҳал этилиши шаҳар аҳолисини сут ва сут маҳсулотлари билан мунтазам суратда таъминлайди, ҳар қандай навбат кутиб қолишларга барҳам беради ва кун бўйи сут маҳсулотлари билан харид қилиш имкониятини яратади.

М. РУСТАМОВ,
иқтисод фанлари кандидати.

Советлар мамлакатида

● РИГА. «КПСС XXV съезди» совхозида ўсимликлар озуқасини диагностика қилиш марказн ишлай бошлади. Бу ерда Латвия ССР Фанлар академияси биология институти томонидан таклиф этилган агрохимия анализлари методинаси амалда қўлланила бошлайди. Республика хўжаликларида институтнинг ташаббуси билан шундай марказларнинг кенг шохобчаси барпо этилдики, бу марказларда қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини ошириш резервларн изланади.

Латвиялик олимлар диагностика марказларнн ташкил этиш ва жиҳозлашда иштирок этмоқдалар, шу билан бирга ана шу марказлар устидан оталиқ қилмоқдалар. Биология фанн билан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришн алоқасининг янги шаклн жадаллик билан ривожланмоқда.

● КИЕВ. Украина пойтахтидагн энг катта клиник касалхонада ўттиз қаватли кардиология корпуси ишга туширилди. Энди шаҳарда юрак-қон томир хасталигига дучор бўлган беморларнн касалхонага ётқизиш проблемасн амалда ҳал қилинди.

— «Халқ соғлиғини сақлашни янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида» КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети яқинда қабул қилган қарорда юрак-қон томир касалликларига қаршн кураш Совет медицинасининг биринчи даражали вазифалари қаторига кўйилган, — дейди Украина ССР соғлиқни сақлаш министри А. Е. Романенко. Шу боисдан ихтисослаштирилган кардиология муассасалари қуриш, уларни энг янги техника билан жиҳозлаш ва энг яхши мутахассислар билан таъминлаш — республика медицина хизматини ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан биридир. Киевда республика кардиология маркази барпо этилган, Харьковда ва Днепропетровскда унинг филиалларини очиш, 23 та область диспансерини, 200 дан кўпроқ ихтисослаштирилган кабинетларни жиҳозлаш кўзда тутилмоқда.

● ВИЛЬНЮС. Шаҳар кўчаларидан бирида автомашина пойафзал магазини олдига келиб тўхтади. Машина кузовида бўлган гилдиракли контейнерлар кўтаргич машинага илинди ва контейнерлар «состави» савдо залига гилдиратиб киритилди.

Юк машинасини бўшатиш ва молни магазинга киритиш бир неча дақиқада бажарилди.

Бу республика пойтахтида моллар сиртдан сўнчиқларга ўхшаш кўп ярусли контейнерлардан сотиладиган биринчи магазинидир. Шундай қилиб, юк, чиларга бўлган зарурат қолмади, сотувчилар сони ҳам қисқарди.

— Янгича тара жорий этилиши савдо-сотиққа, шунингдек саноатга анча наф келтиради,— дейди Литва ССР савдо министри П. Мицкунас. — Мол тайёрловчи корхоналар буюртмани олгач, контейнерларни айтилган хиллардагн моллар билан комплектлайди. Бу нарса магазинларда омборхоналарни камайтиришга имкон беради. Литвада беш йиллик охиригача саноат моллари магазинларининг чорак қисмини тўппа-тўғри контейнерлардан мол сотишга ўтказиш мўлжалланган.

(ТАСС).

ПЛАНЕТАМИЗДА

«ЛЕОНИД ИЛЬИЧ БРЕЖНЕВ

ҚИСҚАЧА БИОГРАФИК ОЧЕРК» ИНГЛИЗЧА НАШРИ БОСМАДАН ЧИҚДИ

Англияда «Леонид Ильич Брежнев. Қисқача биографик очерк» китоби босиб чиқарилди. Уни «Пергамон пресс» деган Англия—Америка нашриёти чоп этди. Китобга СССРнинг янги Конституцияси тексти ҳам киритилган.

Инглиз тилидаги нашрига Л. И. Брежнев сўзбоши ёзиб берган, унда жумладан бундай дейилади: «Ўйлайманки, «Пергамон пресс» нашриёти китобхонлар эътиборига ҳавола этаётган китоб кейинги ўн йилликлар мобайнида авлодим ҳаётининг бутун моҳиятини ташкил этган ва ҳозир ҳам ташкил этиб турган кўпгина воқеаларни тасвирлаши мумкин. Биз — ёш ишчилар бутун мамлакат билан бирга дастлабки беш йилликлар давридаги синовлар ва қийинчиликлардан ўтдик, ўша пайтда партия бизни жуда қисқа муддатларда мамлакатимизни илғор саноат давлатига айлантиришга даъват қилган эди. Биз — солдатлар бутун халқ билан бирга ўз Ватанимизни ва дунёни фашизмдан ҳимоя қилиш учун курашдик ва ҳимоя қилиб қолдик. Биз — энди анча етилиб ва қийинчиликларда чиниқиб қолган кишилар — бутун мамлакат билан бирга уруш натижасида вайрон бўлган халқ хўжалигини қайта тикладик ва янги уруш хавфига қарши курашдик.

Олтмиш йил мобайнида давлатимиз асрларга тенг йўлни босиб ўтди. Бундай зафарларнинг қатнашчиси ва гувоҳи бўлиш инсонга зўр саодат бахш этади. Уруш йилларидан ўтишларига, уруш даврининг машаққатлари ва қулфатларини бошдан кечиришларига тўғри келмаган совет кишиларининг биринчи авлоди ҳозир барқ уриб яшнаш, етуклик даврига қадам қўйди. Биз бошдан кечирганларни фарзандларимиз ва набираларимиз ҳеч қачон кўрмасликларини орзу қиламиз.

Бизнинг давримизда турли мамлакатларнинг кишилари бир-бирини яхшироқ билиш ва фикрини тушуниш иштиёқи билан яшамоқдалар. Бу — чуқур идрок қилинган иштиёқ бўлганлиги — халқаро кескинликни юмшатиш жараёнини чуқурлаштириш омилларидан бири эканлиги учун ҳам, ана шу ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш сари қўйиладиган ҳар бир қадам самарали бўлади».

«Леонид Ильич Брежнев. Қисқача биографик очерк» китоби босмадан чиқиши муносабати билан «Пергамон пресс» нашриётининг президенти Р. Максвелл бундай деди: Л. И. Брежнев дунёдаги атоқли сиёсий арбобларнинг ва кескинликни юмшатиш ташаббускорларининг бири сифатида, ядровий қуролсизланиш учун курашга шахсан жуда катта ҳисса қўшган киши сифатида машҳурдир. Совет раҳбари ёқинда ядро синовларини батамом тақиқлаш тўғрисида шартнома тузишни таклиф қилганлигини Л. И. Брежневнинг бу соҳадаги буюк ролини характерловчи сўнгги мисолларнинг бири, деса бўлади. Л. И. Брежневнинг ядро қуроли ҳамма турларини ишлаб чиқаришни айни бир вақтда тўхтатишга доир музокаралар ўтказиш тўғрисида яқинда қилган таклифи бошқа бир мисолдир.

Халқлар ўртасида ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш ва ишончни кучайтириш натижасидагина тинчликка эришиш мумкин. Биз бу китобни нашр этиш билан, деди Р. Максвелл, ўз олдимизга Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, ҳукумати ва совет халқи тўғрисидаги фактларни бутун дунёдаги китобхонларнинг имкони борича кенгроқ доирасига етказиш мақсадини қўйдик.

(ТАСС).

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

● **ПАРИЖ. Пойтахтдаги конгресслар саройида Франция Коммунистик партия сининг умуммиллий конференцияси тамом бўлди. Партия бош секретари Ж. Маршенинг доклади ва делегатларнинг нутқларида мамлакат меҳнаткашларини туб демократик ўзгартишлар учун, ҳақиқий социал тараққиёт учун курашга жипслаштира оладиган сўл кучларнинг аниқ ва конкрет программаси гоят зарур эканлиги таъкидлаб ўтилди.**

Конференциянинг 3.000 дан зиёд қатнашчиси ФКП сўл кучларнинг бирлашган ҳукумат программасини янгилаш тўғрисидаги комплекс таклифларига яқдиллик билан овоз берди. Бу программани март ойида ўтадиган парламент сайловида номзоди кўрсатилган коммунистлар ҳимоя қиладилар.

● **БУЭНОС-АЙРЕС. 1976 йилнинг ноябридан ўтган йилнинг ноябрь ойигача ўтган давр мобайнида Уругвайда нарх-наво 60 процент ошган, деб хабар қилди иқтисодий фанлар институти.**

Озиқ-овқат маҳсулотлари ва кийим-кечак нархлари айниқса ошганлиги таъкидланди. Квартира ҳақи анча ўсган.

● **ДЕҲЛИ. Ҳиндистон нефть ва табиий газ давлат комиссияси кенг кўламда қидирув ишларини ааж олдириб юборди: Гужарат, Ражастхан, Химачал-Прадеш, Ғарбий Бенгалия, Уттар Прадеш, Ассам, Махаराштра, Тамилнаду штатларида нефть қидириш ишлари олиб борилмоқда. Ҳинд мутахассислари фикрича бу запаслар 1981—82 йилларга қадар мамлакатда нефть қазиб чиқаришни йилига 19—20 миллион тоннага етказишга кифоя қилар экан.**

● **РАБОТ. 1976 йилда Марокаш аҳолиси 17,8 миллион кишини ташкил этди. Улардан 56 проценти 20 га кирмаган ёшлардир.**

Бу ерда эълон қилинган маълумотларга кўра, мамлакат аҳолисининг 61 проценти қишлоқларда истиқомат қилади. 2 миллион аҳолиси бўлган Касабланка аввалгидек Марокашнинг энг катта шаҳри бўлиб қолмоқда.

(ТАСС).



НЕЙТРОН БОМБА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАҚИҚЛАНСИН

ВАШИНГТОН. Қўшма Штатларда ялпи қирғин қуролининг ва аввало нейтрон бомбанинг янги системалари ва турларини ишлаб чиқаришни тақиқлаш тўғрисидаги хитобнома остига имзо тўплаш кампанияси ўтмоқда. Бу хитобнома остига ҳозиргача кўп минглаб американликлар имзо чекишди. Хитобнома яқин вақт ичида Оқ уйга юборилади.

Ана шу кампания ташаббускорларидан бири бўлган «Хотин қизлар тинчлик учун курашингиз» ташкилоти АҚШ президенти Ж. Картерга очиқ мактуб билан мурожаат қилиб, «ер юзида ҳаётни сақлаб қолиш учун» нейтрон бомба ишлаб чиқариш режаларидан воз кечишни талаб қилди. Мактубда нейтрон бомба одамларни қириб ташлаш учунгина мўлжалланган бўлиб, «инсонга қарши қурол» эканлиги таъкидланади. Нейтрон бомба, дейилади мактубда, ядро қуролини қўлланиш имкониятларини оширади, ялпи ядро можароси хавфини кўпайтиради. Нейтрон бомбасини ишлаб чиқариш «ер юзида тинчликни мустаҳкамлаш манфаатларига зиддир».

Яқинда Америка олимларидан 12 минг киши, шу жумладан Нобель мукофотининг лауреатларидан 21 киши АҚШ ҳукуматига мурожаат қилиб, ядро қуролининг янги системаларини синаб кўришни ва ишлаб чиқаришни тўхтатишга даъват этишди. Улар қўшма баёнотда қуролланиш пойгасини давом эттириш бутун инсоният учун ниҳоятда хатарли эканлигини таъкидлаб ўтдилар.

Ҳозирги вақтда АҚШда жамоат, касаба союз, неграр, хотин-қизлар, ёшлар ва бошқа ташкилотларнинг кенг коалицияси келгуси молия йилида рекорд даражага — 126 миллиард долларга етказиладиган ҳаддан ташқари катта ҳарбий харажатларнинг камайтирилиши учун фаол кураш олиб бормоқда.

Ю. ЛЕВЧЕНКО.
(ТАСС мухбири).

ВЕНГРИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ

Венгрия Халқ Республикасининг пойтахти — Будапешт йил сайин гўзаллашиб бормоқда. Венгер бунёдкорлари бу ерда қураётган кўплаб турар-жой бинолари унинг чиройига чирой қўшмоқда.

Венгер, совет ва чехословак мутахассислари «Интерспутник» системасининг Талиандёргда қурилган ердаги қабул қилувчи станцияси қурилмаларини монтаж қилишмоқда.

Суратларда: «Интерспутник»нинг Венгриядаги қабул қилувчи станцияси ва Будапештнинг бугунги кўриниши.

МТИ — ТАСС фотолари.

СОМАЛИДА ХИТОЙ ҚУРОЛ-ЯРОҒЛАРИ

БАНГКОК. (ТАСС). Маҳаллий журналистлар орасида тарқалган хабарларга қараганда Хитой томони Покистон территорияси орқали Сомалига қурол-яроғ юбориш имконияти бериладиган сўраб Покистон маъмурларига мурожаат қилган. Улар автомашина колонналарида Покистон пунктларидан бирига кемаларга ортилиб Сомалига жўнатилаётганлигини хабар бердилар.

ИСЛОМОБОД. (ТАСС). Покистон маъмурлари Хитойнинг Сомалига юборайтган қурол-яроғларини ташиш учун Покистоннинг граждан авиацияси самолётларидан фойдаланилаётганлиги тўғрисида Африка газеталарида чиққан хабарларни рад этдилар.

ЭРОН ШОҲИ БИЛАН САДАТНИНГ МУЗОКАРАЛАРИ

ҚОҲИРА. (ТАСС). Асвонда Эрон шоҳи билан Садат ўртасида музокаралар бўлиб ўтди. МЕН информация агентлигининг хабар беришича, музокаралар вақтида Яқин Шарқдаги аҳвол муҳокама қилинган.

Мисрга қилган бир кунлик визити тугагандан кейин Эрон шоҳи 10 январда самолётда Саудия Арабистонига учиб кетди.

ВЬЕТНАМ—КАМПУЧИЯ ЧЕГАРАСИДАГИ ВОҚЕАЛАРГА ДОИР

ХАНОЙ.

Вьетнам Социалистик Республикаси Ташқи ишлар министрлигининг матбуот ва информация бўлими «Демократик Кампучия Вьетнам Социалистик Республикасининг суверенитетини ва территориал бутунлигини жиддий бузганлиги тўғрисида далолат берувчи фактлар ва ҳужжатлар» номли тўпламни чиқарди.

БУДАПЕШТ.

«Непсабадшаг» газетаси Вьетнам Социалистик Республикаси ҳукуматининг тутган позициясига юксак баҳо берди. Газета бундай деб ёзади: Вьетнам Социалистик Республикаси қатъият билан, андиша билан, пухта ўйлаб ва ҳар иккала халқнинг ва шу региондаги барча халқларнинг тақдири учун жавобгарликни сезган ҳолда чегара масаласини музокаралар йўли билан ҳал этишни изчиллик билан талаб қилмоқда.

Вьетнамга нисбатан нафрат ҳисларини уйғотиш, деб таъкидлайди газета, Кампучия халқининг манфаатларига хизмат қилмайди. Кампучия халқини шундай йўлга бошлаётган кишилар қош қўяман, деб кўз чиқаряптилар.

КОЛОМБО

Шри Ланка Компартияси Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси Вьетнам — Кампучия чегарасидаги воқеаларга доир масалани муҳокама қилди. Сиёсий бюронинг мажлисида қабул қилинган резолюцияда Шри Ланка Компартияси Вьетнам ҳукуматининг ҳар иккала мамлакат ўртасидаги барча низоли масалаларни музокаралар столи теварагида ҳал этиш тўғрисида таклиф қилган баёнотини қўллаб-қувватлайди, дейилади.

ДЕҲЛИ.

Вьетнамнинг тутган позицияси равшан, унинг вакиллари дарҳол музокаралар столи атрофига тўпланишга тайёрдирлар, деб ёзади Ҳиндистон прогрессив жамоатчилигининг органи «Пэтриот» газетаси. Ҳар иккала мамлакат ўртасида, деб ёзади газета, территорияга доир муайян проблемалар бор. Вьетнам, бу проблемаларни бир-бирини ҳурматлаш ва территориал бутунлик негизида ҳал этишни бир неча марта таклиф этди.

Воқеаларнинг боришн деб ёзади газета, Пекиннинг ивоғарлик ҳаракатлари билан боғлиқ эканлигини кўрсатиб турибди. Вьетнам — Кампучия чегараси тўғрисидаги масалада Пекин раҳбарларининг Кампучияни қўллаб-қувватлаётганлиги Хитойнинг Жанубий-Шарқий Осиёдаги гегемонлик сиёсатига бевосита мос бўлиб тушади.

ЖАҲОН ГАЗЕТАЛАРИ САҲИФАЛАРИДА

ЧКП Марказий Комитетининг Бош секретари, ЧССР президенти Густав Гусак туғилган куннинг 65 йиллиги муносабати билан Чехословакия матбуоти ЧССРнинг ана шу атоқли партия ва давлат раҳбари, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг таниқли арбобининг фаолияти билан таништирадиган материалларни босиб чиқармоқда. Газеталар КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг юбилярга йўллаган табриномасини босиб чиқариб, коммунистлар, совет кишилари ўртоқ Г. Гусакни СССРнинг қалин дўсти деб билаётганликларини, ҳамда унинг СССР билан ЧССР ўртасидаги қардошларча дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорликни чуқурлаштириш, социалистик ҳамдўстликни, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг бирлиги ҳамда жипслигини мустаҳкамлаш ишига қўшаётган ҳиссасини юксак баҳолаётганликларини уқтиради.

Варшавадаги газеталар ПБИП II Умумпольша конференциясининг ишини шарҳлаб, қўйидагиларни ёзади: бу конференция эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлаши, мавжуд камчиликларни бартараф қилиши ва Польша олдида турган энг асосий социал-иқтисодий вазифалар тўла-тўкис бажарилишини таъминлаши лозим.

Токиодаги газеталар КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико билан Япония ташқи ишлар министри С. Сонода ўртасида Москвада ўтказилаётган музокараларни шарҳлаб, Совет — Япония муносабатлари, шунингдек, иккала томонни қизиқтирувчи актуал халқаро проблемалар масалалари юзасидан ўтказилаётган фикрлашувлар ишчанлик, ошкоралик вазиятида ўтаётганлигини таъкидлайди.

Чет эл матбуоти Исроил сиёсатини шарҳламоқда. Исроилнинг босиб олинган ерлардаги хатти-ҳаракатлари, деб ёзади, Франциядаги «Юманите» газетаси. М. Бегин ўзининг «тинчлик плани»га хилоф равишда экспансия йўлини давом эттираётганлигини кўрсатади. Америкадаги «Нью-Йорк дейли ньюс» газетасининг фикрича, Исроилнинг янги манзилгоҳлари барпо этилиши Яқин Шарқдаги можаронни бартараф этиш йўлига янги жиддий тўсиқлар қўяди.

Исроилда нарх-наво келгуси йилда яна 30 процент кўтарилади, деб қайд этади «Нью-Йорк таймс» газетаси. Газета М. Бегин томонидан парламентга тақдим этилган миллий бюджетни шарҳлаш натижасида шундай хулоса чиқарди.

Лондондаги «Таймс» газетаси расмий манбаларга асосланиб хабар қилишича, 1979—1980 йилларда Буюк Британиядаги ҳарбий харажатлар яна уч процент кўпайтирилади. Лондон матбуотнинг далолат беришича, Англияда бу йил ҳарбий харажатларга ажратилаётган ялпи миллий маҳсулот НАТОнинг Европадаги бошқа ҳар қандай аъзоси шу мақсадларга сарфлаётган маблағдан ортиқлик қилади.

Англиянинг «Файнэншл таймс» газетаси Италиядаги ички сиёсий аҳволга тўхталиб, мамлакатда жиддий сиёсий танглик мавжудлигини уқтиради. Париждаги «Эко» газетаси Италия экономикасининг қоникарсиз ҳолатини тасвирлайдиган ва газетанинг фикрича, мамлакатнинг иқтисодий истиқболлари аянчли эканлигидан далолат берувчи маълумотларни келтиради.

(ТАСС, 10 январь).

ИНСОН ВА ТАБИАТ

ПРАГА

Ўзаро иқтисодий Ёрдам Кенгашининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари билан шуғулланувчи кенгашининг мажлиси Чехословакия пойтахтида протокол имзолаш билан тугади. Мажлисда БХР, ВХР, ГДР, МХР, ПХР, РСР, СССР ва ЧССР делегациялари қатнашди. ЮСФР делегацияси ҳам ҳозир бўлди.

Қардош мамлакатларнинг мутахассислари орттирилган тажрибаларни бир-бирлари билан баҳам кўрдилар, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш истиқболларини муҳокама қилдилар, халқаро ташкилотлар билан алоқаларни ривожлантириш имкониятларини кўриб чиқдилар.

ЛОНДОН

Оксфорд университетининг нашриёти планетамиз парранда-лари тўғрисидаги илмий тадқиқотнинг биринчи томини чиқарди. Дунёнинг 40 мамлакатидан, шу жумладан социалистик мамлакатлардан бўлган олимлар Европа қитъаси, Узоқ Шарқ ва Шимолий Африканинг паррандалари тўғрисида 17 йилдан ортиқ вақтга тегишли материалларни йиғдилар. Чиқариладиган 7 томдан биринчисида 750 хил парранда тавсиф қилинган.

(ТАСС).

ВАШИНГТОН БИЛАН ТЕЛЬ-АВИВ ЗЎРАВОНЛИК ҚИЛМОҚДАЛАР

Араблар дунёсида Қоҳирани Тель-Авив билан олиб бораётган сепарат музокараларига қарши кучайиб кетган норозилик тўлқини пасайтириш учун уриниб, президент Садат Исроилга асло ён бермаймаи, арабларнинг бир парча ерини ҳам Исроилнинг қўлида қолдирмайман, деган гапларни вақтларини билан айтишга мажбур бўлди. У яқинда Қоҳирада чиқадиган «Октобр» журналида эълон қилинган суҳбатида бундай деди: Исроил қўшинларини Мисрга қарашли Синайдан тамомила олиб чиқиб кетиш тўғрисида Миср билан Исроил ўртасида гўё «аниқ битим» мавжуд ва Қоҳира Исроил граждаплари ёки ҳарбийларининг Синай ярим оролида туришига гўё, тоқат қилолмайди. Садат Исроил Синайдан чиқиб кетиш олдидан Исроилнинг у ердаги ҳамма манзилларини ва ҳарбий аэродромларини йўқ қилиб юборишн керак, деган гапларни ҳам айтди.

Аммо сепарат битимлар Тель-Авив билан Вашингтоннинг бўйруғи остида ёзилиб, амалга оширилаётганлигини фактлар кўрсатиб турибди. Исроил бош министри Бегин кеча бундай деди: мен Исмоилияда Исроилнинг Синайдаги манзилларига нисбатан ўз позициямни Садатга баён қилиб берганман. Бу манзиллар «вайрон қилинмай, балки мустаҳкамланади» ва Исроил армиясининг ҳимоясида бўлади.

Бегин айтдики, Садат башарти «Синай ярим оролидаги манзиллар тўғрисидаги таклифни рад этадиган бўлса, Исроил Миср билан чегарадош ерларида территориялари ўзгартиришни талаб қиладi».

Исроил ҳукумати ўз қарори билан Бегиннинг гапларини тасдиқлади. Исроил ҳукумати Исроилнинг Синай ярим оролидаги ҳарбийлаштирилган манзилларни сақлаб қолиш ва бу ерга Исроилдан янги кишиларни кўчириб жойлаштириш кераклигини билдирди. Исроил қишлоқ хўжалик министри Шарон телевидение орқали ўтказилган суҳбатида Ал-Ариҳдан Шарм-аш-Шейхгача чўзилиб кетган шундай манзиллар бўлмаса, бу районда гўё, тинчлик ўрнатиш «мумкин эмас», деди.

Миср президенти Қўшма Штатлар Исроилни «ён беришга кўндириш учун унга «тазйиқ» кўрсатади, деб умид қилган эди. Унинг бу умидлари чиппакка чиқди. АҚШ давлат секретари С. Вэнс очиқдан-очиқ шу гапларни айтди: Вашингтон ётказиб бериладиган ҳарбий техниканн чеклаб қўйиш йўли билан ҳам, иқтисодий ёрдамни қисқартириш йўли билан ҳам Исроилга тазйиқ кўрсатиш ниятида эмас.

Шу муносабат билан «Нью-Йорк таймс» газетаси қуйидагиларни ёзади: «Қўшма Штатлар илгари Исроилнинг манзилларни барпо этиш сиёсатини «тинчлик йўлидаги ғов», деб танқид қилган эди. Ҳозирги пайтда эса Исроил ҳукуматининг кейинги тадбирларига баҳо беришда ўзини жуда ҳам тийиб турибди».

Сурия президенти Ҳ. Асад ёрдамни қисқартириш йўли билан ҳам Исроилга тазйиқ кўрсатиш ниятида эмас. Ўзининг ҳарбий техникаси чеклаб қўйиш йўли билан ҳам, иқтисодий ёрдамни қисқартириш йўли билан ҳам Исроилга тазйиқ кўрсатиш ниятида эмас.

Сурия президенти Ҳ. Асад Америка — Исроил ва Миснинг кейинги ишларини «араб милларини таслим бўлишга мажбур этиш мақсадида унга қарши бир фитна», деб атади. У Америкада чиқадиган «Нью-сиик» журнали мухбири билан қилган суҳбатида ана шу фитна барбод этилади, деб таъкидлади.

Сурия президенти араб ерларини оккупация қилишни абадийлаштиришга интилаётган Исроил раҳбарларининг экспансиячилик сиёсатини кескин қоралади. АҚШнинг сиёсати, деди Ҳ. Асад, тинчлик ишига хизмат қилмайди.

Аванда чиқадиган ҳафталик «Ас-Саврa» газетаси қуйидагиларни ёзади: «Қўшма ўз режимининг араб дунёсида яккаланиб қолишидан бошқа ҳеч нарсага эришолмади. У Исроил томонидан сурбетлик ва қабиҳлик кўрди, АҚШдан эса мавҳум ваъдаларнигина олди».

(ТАСС).

КИТОБЛАР ОЛАМИДА

СИОНИЗМ ФОШ БЎЛМОҚДА

В. И. Ленин сионизмни яҳудий буржуа миллатчилигининг оқими сифатида таърифлаган эди. Ғарбда сионизм тарафдорлари кўпдан бери Совет Иттифоқида яшовчи яҳудийларни «ҳуқуқсиз»лиги ҳақида, «Бухоро яҳудийларининг аянчли аҳволи», «СССРда яҳудийлар таъқиб этилмоқда», «Бухоро яҳудийларини ишга қабул қилмайдилар» дея вайсаф келади. Айниқса, Исроил матбуотининг одатдаги мавзулари шу бўлиб қолди. Бундай гаплар бугунги кунда увадаси чиққан жаҳон капитализмининг совуқ уруш олиб бориш усулларидан бири эди.

Миллий камситиш ва миллий адоват совет халқлари учун ётдир. Тўғри, Улуғ Октябрь инқилобидан илгари Ўрта Осиё хонликларида ва собиқ Туркистонда Бухоро яҳудийларининг аҳволи аянчли эди. Улар алоҳида ажратилган жойларда, асосий аҳолидан бўлак ҳолда яшашга мажбур эдилар. Масалан, Тошкентда «Ўқчи» маҳалласи, Самарқандда «Маҳаллаи шарқ», Каттақўрғонда «Жўгутон», маҳаллалари шулар жумласидан эди. Улар туб жой аҳолисидан бўлмагани сабабли жизя солиғи тўлашга, кўча-кўйда юрганларида белларига махсус чилвир («нахи лаънат» — «лаънат чилвири») боғлаб юришга мажбур бўлганлар. Улар ҳар жиҳатдан камситилганлар. (Аммо, бадавлат яҳудийлар, эксплуататорларга мансублари бундан мустасно эди). Улуғ Октябрь инқилоби ана шу ирқий айирмаларга батамом барҳам берди. Бухоро яҳудийлари Ўрта Осиёдаги бошқа мазлум халқлар билан елкама-елка туриб Совет ҳокимияти учун курош олиб бордилар. Бухоро халқ инқилоби пайтида Файзулла Хўжаев бошчилигидаги интернационал инқилобий бригадаларда биргина Самарқандниг ўзидан икки юз яҳудий бўлгани, жонбозлик кўрсатгани маълум. Бугунги кунда улар Ўрта Осиё халқлари билан ёнма-ён яшаб, эркин меҳнатлари гаштини сурмоқдалар. Уларнинг илгариги маҳаллаларидан номларигина қолган, холос. Бухоро яҳудийлари орасида давлат муассасалари масъул ходими, ёзувчи, олим, санъаткорлар, хизмат кўрсатган санъат, маданият ва фан арбоблари мавжуд. Тошкентда истиқомат қилувчи фан докторлари Исҳоқ Калонтаров, Борис Пинҳасов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, композитор Монас Левиев, Давлат мукофотининг лауреати, бастакор Сулаймон Юдаковлар Октябрь самарасидан баҳраманд бўлган Бухоро яҳудийлари вакилларидан.

Бухоро яҳудийси Ёқуб Ҳаимов Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида у ташкил бўлгандан бери ишлаб келади. Шу ерда у моҳир ношир ва таниқли ёзувчи бўлиб танилди. Ёшлиги дарбадарликда ўтиб, Совет ҳокимияти замонида болалар уйида тарбияланган, ўз бахтини ҳалол меҳнатдан топган Ёқуб Ҳаимов кўплаб Бухоро яҳудийларининг сионистлар игвосига учиб, «жаннат» излаб Исроилга бориб, кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган азобу уқубатларга гирифтор бўлаётганларига бефарқ қараёлмади. Ижод қаламининг тигини у сионизмни фош қилишга қаратди. Бунинг учун тинмай факт ва ҳужжатлар тўпладди. 1933 йилиёқ у маҳаллий яҳудийлар ҳаётига доир «Нажот» пьесасини ёзади. Пьеса Ўзбекистон ва Тожикистон Давлат театларида муваффақият билан қўйилган эди. 1935 йили у сионистларнинг бир қурбони тўғрисида «Пушаймон» ҳикоясини. 1937 йили эса «Хиёнаткор» номли кўп пардали пьеса ёзади.

Улуғ Ватан уруши йиллари Ёқуб Ҳаимов Мирзачўлда ишлади. Оддий қишлоқ мухбиридан совхоз директори даражасига кўтарилди. Ана шу йиллар тўплаган материаллари асосида у сионизмни фош қилувчи роман ёзди. Роман тугагач, Ёқуб Ҳаимов ўз хотирасига қуйидагиларни қайд этган эди: «Сионизмга қарши кураш ва уни жаҳон афкор оммаси олдида фош этишда мен шу роман билан кифояландим. Исроил, Австрия ва Италиядан бизнинг мамлакатимизга келаётган хатларни тўплай бошладим. Бу хатларни сионистлар дўзахидан қочган ва дунёнинг турли томонларида сарғиб-тентираб юрган ватангадо шахслар ёзган. Улар, биз Совет Иттифоқи олдидаги гуноҳимизни ҳалол меҳнат қилиб ювамиз, деб ёзадилар». Ёзувчи Малик Раҳмон билан ҳамкорликда ёзилган машкур «Ҳаёт-мамот» романини китобхонлар зўр қониқиш билан қутиб олдилар. У рус ва тожик тилларига ҳам таржима қилинди. Унда Баҳўр ва Давидлар тақдири ҳикоя қилинади. Баҳўр Ўзбекистон халқларининг бахти учун курашда ўз иқболини топади. Давид бўлса сионизм асосчиларидан Герцлнинг «Келажак Фаластини» ҳақидаги хом ҳаёлларига учиб, Исроилга кетади ва саргардонликда бахтсизликларга учрайди. У ўзининг мудҳиш хатога йўл қўйганини тушуниб етади.

Ёқуб ака Ҳаимовнинг сионизмнинг қунуқ башарасини фош этувчи қатор ҳикояларн ҳам мавжуд. Авторнинг 1976 йили Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилган «Дурдона» номли тўпламидан ўрин олган «Ҳақиқат кучи», «Мен Октябрь фарзандиман», «Конесода», «Бошхўр давлат», «Дугоналарга хат», «Хотининг ҳукми», «Оила бузмоқ гуноҳи азим», «Скрипкачи Мўше» каби ҳикоялари шулар жумласидандир.

«Скрипкачи Мўше» ҳикоясида «жаннат, авлодаждодлар, пайғамбарлар замини» Исроилга келиб, у ерда ишсизлик, қашшоқлик, қимматчиликка дуч келади. Исроилда уни Бухоро яҳудийси бўлгани учун «иккинчи сорт» яҳудийсан, деб ҳақоратлайдилар ва муҳожирлар яшайдиган чекка бир районга жойлаштирадилар.

«Бошхўр давлат» ҳикоясида Садиқ уй-жойи, хотини ва қизини ташлаб Исроилга кетиб қолади. У ердан хотини ва қизига. «Мен бу ерда фабрика эгаси бўлдим, келинглар», деб хат ёзади. Садиқнинг хотини, қизи ва куёви Исроилга бориб, алданганликларини билиб, ҳаётларини фожиали тугатадилар. Нобакор отасининг гапи билан эрини ташлаб, Исроилга кетган Тамаранинг ўзбекистонлик дугоналарига ёзган хати сионистларнинг найрангларини фош қилувчи ҳужжатдир. «Дугоналарга хат» ҳикояси аниқ фактлар асосида ёзилганлиги ўз-ўзидан кўриниб турибди. «Хотининг ҳукми» ҳикоясида тўрт боласи, хотинини ташлаб Исроилга кетмоқчи бўлган эрга қарши нсёнкор хотининг қалб изтироблари баён қилинган.

«Бугунги кунда сионизм халқаро миқёсда ўзини фош қилиб қўйди, — дея таъкидлайди Ёқуб ака, — Ленин Бухоро яҳудийлари орасида ҳамон Исроил «жаннати»ни тилга олувчи лақмаларни ҳам учратиб турамаи». Бугун ҳам Ёқуб Ҳаимов ўз эътиқодига собит, ҳамон изланишда. Яқинда у «Ҳаёт-мамот» романининг иккинчи китоби — «Дўзахдан нажот»ни нашрга топширди. У ҳамон хатлар олиб турадн, жавоблар ёзади...

Бутун совет халқлари, жумладан, яҳудийлар мустақил Исроил давлати ташкил топганда ҳайриҳоҳлик билан қараган эдилар. Аммо, у сионистлар, бир гуруҳ бой ашкеназлар (ғарб яҳудийлари) давлатига айланди. Бўғзигача ғарб милитаристларидан қарзга ботган Исроил давлатининг ҳарбий бюджети миллий даромадининг 60 фонзини ташкил қилади. Сўнгги беш йил мобайнида Исроилга бориб қолган Бухоро яҳудийлари ҳеч қандай нажотсиз яшамоқдалар, улар Исроил милитаристларининг араблар қонини тўкишдек жирканч снёсатлари йўлида тўп емига айлантирилмоқда. «Жамиятимиз бугунги кунда шундай ижтимоий қарама-қаршиликларни бошдан кечирмоқдаки, — деб эътироф этади Исроил турар-жой қурилиши министри Зеев Шереф, — ҳеч қачон бундай ҳол бўлмаган».

Илғор фикрли яҳудийлар Исроилда адолат тантана қилажагига ишонадилар.

Н. НОРҚУЛОВ.

«ҲАММА ИШ ЖОЙИДА, ИШГА ШАЙМИЗ»

Учишни бошқариш марказидан репортаж

Одам бошқарадиган «Союз-27» кемаси 10 январь куни соат 15 дан 34 минут ўтганда Ер атрофи орбитасига чиқиб олди ва шу ондаёқ учишни бошқариш маркази бош залидаги каттакон дунё харитасида кумушсимон нуқталар порлаб кетди. Орбиталарнинг чизиқлари билан ўраб олинган бу харита — иккинчиси. Биринчи харитада «Салют-6» — «Союз-26» комплексининг орбиталари белгиланган. Бугунги «Союз» ҳам шу дақиқадан бошлаб марказ мутахассислари назорати остида бўлади. Экипаж билан радио-телевиденне алоқаси ўрнатилди.

— «Памир!» — дейди учиш раҳбари техника фанлари доктори Алексей Елисеев Владимир Жонибеков билан Олег Макаровга мурожаат қилиб. — Сизларни орбитага чиқишингиз билан табриклаймиз, ишда муваффақият тилаймиз!

— Сизларнинг чиққанингиз учун қувондик! — дейди Юрий Романенко орбитанинг янги меҳмонларини табриклаб.

— Энди биз зерикмаймиз, — дейди кулиб Георгий Гречко.

Шу дақиқаларда бошқариш мутахассисларининг диққат эътибори «Союз-27»нинг парвозига қаратилди. «Таймир»лар ранжишмасин: улар энди космоснинг эски аҳолиси бўлиб қолишди, улар бир ойдан кўпроқ пайтдан бери хилма-хил ва самарали ишларни қилиб келишмоқда.

Баллистиклар «Союз-27» чиққан орбитанинг параметрларини, бу орбита ҳисоблаб қўйилган маълумотларга қанчалик мос келишини билишлари муҳимдир. Техника мутахассислари кема системалари ва аввало яшашни таъминлаш системалари «ўзларини қандай тутаётганлиги» билан қизиқадилар. Мединклар эса космонавтларнинг старт вақтидаги зўриқишни қандай ўтказганларини суриштирадилар. Ана шу маълумотларнинг ҳаммаси бошқариш марказининг тегишли бўлимларига келиб тушади ва қисқа тарзда учиш раҳбарлари столига қўйилади. Биз улардан саволларимизга жавоб беришларини сўраймиз.

— «Союз-27»нинг орбитаси мўлжалга қанчалик яқин?

— Деярли тўла-тўкис мос келади. Атиги бир неча километр фарқ қилади.

— «Салют-6» билан «Союз-27» бир-биридан олисдами?

— Ҳар иккала космик объект — станция ҳам, кема ҳам бир-биридан анча олис масофада учиб боряпти. Кейинчалик улар бир-бирига яқинлашади.

— Космонавтлар ўзларини қандай ҳис қилмоқдалар, — деб сўрадик биз медицина фанлари доктори Н. Н. Гуровскийдан.

— Мана бу лентачага қаранг. Унда кемадан олинган холис маълумотлар кўриниб турибди. Томир уриши бир оз тезлашган. Нафас олиш тезлиги одатдагидан сал юқори. Аммо бундай вақтничалик ўзгаришлар космосга чиқаётган ҳамма кишиларда содир бўлади. Бу старт вақтидаги зўриқишнинггина эмас, шу билан бирга табиий ҳис-ҳаяжоннинг ҳам натижасидир.

— Вазнсизлик ҳолатичи? — деб сўраймиз.

— Бу ҳам бошқаларда бўлганидек, аммо ҳар кимнинг шахсий ҳислатларига қараб бирмунча фарқ қилади. Адаптация, яъни Ердан ташқарида ишлашнинг асосий шароитига «кўникиш» жараёни бошланди ва давом этмоқда. Жонибеков билан Макаров ҳозир бошга кўпроқ қон тўпланаётганини сезмоқдалар, қисқа муддатли кўз жимирлаши, ҳаракат координациясининг, умумий ўзини сезишнинг бирозгина ёмонлашиши мумкин. Хулас, ҳозирча космонавтлар маълум даражада дискомфорт (ўнғайсизлик) ҳис этмоқдалар. Экипаж бу ҳолатларнинг ҳаммасини бартараф этмоқда, чунки у бундай шароитда ишлашга тайёргарлик кўрган. Соф психологик омил ҳам муҳим: улар организмнинг ер ташқарисидаги шароитларга мослашувини биладилар.

Шу пайт навбатдаги алоқа сеанси бошланди. Биз экранда репортажларимиз қаҳрамонларини кўрдик, уларнинг бардам овозларини эшитдик.

— Манэ шунинг ўзи менинг сўзларимни жуда яхши тасдиқлаб турибди, — деб хулоса қилди медик, биз билан хайрлашар экан. — Кечиринглар, мен ҳам космонавтлардан баъзи нарсаларни сўраб олишим керак.

«Памир» билан «Заря» ўртасидаги одатий гаплар бир неча минут давом этади. Бу суҳбат одатдаги, аммо маънодор ибора билан тугайди:

— Ҳамма иш жойида. Ишлашга шаймиз.

Учишни бошқариш маркази,

А. РОМАНОВ,
ТАСС махсус мухбири.
10 январь.

ЎЛИМ ЧЕКИНДИ

ОЧЕРК

«СССР гражданлари соғлиқларини сақлаш ҳуқуқига эгадирлар»

(СССР янги Конституциясидан).

Суҳбат, баҳс билан кеч кирди. Ҳозиргина йўлкаларга сув сочиб ўтган машина иссиқ тафтини кўтарди. Шифохона боғидаги асрий чинорлар, баҳайбат ўрик, олма ва терак дарахтларига ин қўйган қушлар нагмаси тўхтади, ғуррак ларнинг «ғуррғури», турли қушларга тақлид қилувчи олақанотларнинг хонини, қизилиштонинг тақ-туқи, мусичаларнинг ғувиллаши тинди. Қуёш дарахтлар ортига яширингач, борлиққа тун сепи ёйила бошлади. Беморларни кўргани келаётган қариндош-уруғларнинг қатнови ҳам сийраклашди. Чор-атроф Ильич чироқларидан мунаввар бўлди.

Ишни тамомлаган шифокорлар уйларига йўл олдилар. Фақат навбатчи врачлар билан ҳамширалар қолишди. Бугун навбатчилар унча ташвиш қилишмаса ҳам бўлади. «Тез ёрдам» машиналари бошқа шифохонага — Ипак комбинати шифохонасига қатнайди.

Аммо кутилмаганда қабулхона ёнига Охунбобоев район «Тез ёрдам» машинаси келиб тўхтади. Бир зумда нохуш хабар тарқалди: шифохонага учта йигитчани олиб келишибди. Уларнинг бири рамақижон, қолганларнинг ҳам аҳволи оғир. Биров, учовлон мотоциклни машинага урипти, деса, бошқа бир киши машинадан йиқилипти, дейди.

Жароҳатланганларни травматология бўлимига олиб киришди. Операция хонасида беморларга биринчи ёрдам кўрсатилди. Ўша куни хирургия ва травматология бўлимида Маргилон шаҳрининг бош хирурги Ҳабибулло Акрамов навбатчилик қиларди. Дарҳол у телефонда керакли мутахассисларга қўнғироқ қилди. Орадан кўп ўтмай анестезиолог врач Абдуллажон Сўфижонов, хирург Тўхтасин Ўзганбоев етиб келишди. Фарғонадан нейрохирург чақирилди.

— Вой болам! Бечора болам қани, болажоним қани? — ранги докадек оқарган онанинг ноласи ҳамманинг диққатини ўзига тортади.

— Ўзингизни босинг, хола, ўғлингиз Баннопжон шу ерда, тирик, бир оз жароҳатланибди. — Онага сув беришди. Кимдир қўлидан етаклаб, уни дераза ёнига олиб борди. Бош ва оёғи докаланган ўғлини кўрганидан кейингина она анча босилди.

Баннопнинг жароҳати енгил экан. Енгил бўлгандаям қандай денг? Ўнг оёғи икки еридан — болдир ва сонидан чўрт синиб кетган.

Травматология бўлими ёнига жароҳатланган йигитларнинг ўртоқлари, қариндош-уруғлари йиғилишганди. Ҳаммада бир ташвиш, ҳамма хомуш. Болалардан бирининг бобоси ич-ичидан куйиниб:

— Хафа бўлма, яхши дўхтирлар кўп... Боланг ёш, тузалиб кетади. Ўзингни эҳтиёт қил, яқинда касалдан тургансан, тағин толиқиб қолма. Ахир Содиқ сенга ўғил бўлса — менга невара... — деб тасалли берган бўлади.

Содиқнинг дадаси «дод» деганича бор — аҳволи оғир, аҳвол ўхтин-ўхтин нафас олаётганини айтмаса, ҳаёт нишонаси сўнган. Ранги бўздек оқариб кетган, гапира олмайди.

— Сиздан яширишнинг ҳожати йўқ, — деди хирург Акрамов Содиқнинг дадасига, — болангизнинг дарди оғир. Уни сақлаб қолишга ҳаракат қиламиз.

— Тушунаман, ёш эмасман... Аммо бутун умидимиз сизлардан...

Шу пайт травматология бўлимининг мудири Мамадали Тўраев келиб қолди. У Тошкентга кетиш керак эди. Еки оғир касал келганидан хабар топдимикан?

— Ҳа, Мамадали, мен сизни Тошкентда юрипти десам?... — сўради Акрамов.

— Эртага, самолётда кетадиган бўлдик. Тинчликми?

— Ҳа. Озгина иш чиқиб қолди. — Ҳабибулло Акрамовнинг тафсилотидан сўнг Мамадали Тўраев ҳеч нарса демай ординаторлар хонасига кириб халат, қалпоқ кийиб чиқди. Уйга телефон қилиб қўйишларини тайинлади-ю, операция хонасига йўл олди.

Операция столини врачлар ўраб олишган. Беморнинг қон группаси аниқланди, ҳарорати ўлчанди, томири ушлаб кўрилди. Юраги нотекис ишласа ҳам ҳар ҳолда уриб турипти, иситмаси баланд. Аммо чап ўпкасининг ишламаётганлиги врачларни ташвишлантирмоқда эди.

То қон қуйиб бўлгунча уч киши унинг ёнида турди. Тўрт соат давом этган биринчи ёрдам ниҳоясига етди... Бемор кирган дақиқадан бошлаб бизнинг палата ҳаёт-мамот жанги майдонига айланди. Содиқнинг ёнидан онаси бир дақиқа ҳам жилмади.

Тонгга яқин палатада ғалаговур кучайди. Врачлар юракни массаж қилишга киришишди. Кислород найчалари баллонга уланди. Нима қилишни билмай ҳайкалдек донг қотиб турган онага врач тасалли берди.

— Қўрқманг, холажон, ўғлингиз яхши бўлиб кетади. Бу шунчаки бир алахсираш, холос.

— Айтганингиз келсин, болам, айтганингиз...

Орадан ярим соат чамаси ўтгач, юрак системаси нормал ҳолга келди. Содиқ кўзини очиб у ён бу ёнга қараган бўлди-ю, онаси берган бир қошиқ сувни ичиб, яна уйқуга кетди...

Терговчи келди. Фалокат тафсилотларини суриштира бошлади. Содиқнинг отаси Одилжоннинг ҳикоя қилишича воқеа бундай бўлган экан.

— Соат еттилар чамаси эди. Кичкина ўғлим Сидиқ келиб акасини чақириб кетди. Унинг ортидан хабар олгани чиққан онаси: «Содиғингиз йўл ёқасидаги уватда устачилик қиляпти, мотоцикл тузатяпти. ёнида иккита ўртоғим бор» — деди. Кўнглим анча тинчиди, лекин нима учундир юрагим ғаш: Кундузи Содиқни бир оз ҳафа қилган эдим. Бирдан ташқаридан машинанинг ғалати овози келди. Хотиним, «вой боламни босди», деб юборса бўладими, қандай қилиб кўчага отилиб чиққанимни билмайман.

— Сиз қандай кўрдингиз? — терговчи онага мурожаат қилди, — ахир, ўртада деворбор-ку!

— Юрагим сезди, юрагим...

Одилжон кўчага чиққанда кимдир йўл ёқасида қонга беланиб ётарди. Кўп ўтмай «тез ёрдам» машинаси етиб келди. Одилжон йўл-йўл кўйлакли болани даст кўтариб машинага солди. Кишилар сал нарироқдан яна иккита болани кўтариб келишди. Уларнинг бири Содиқ, иккинчиси Баннап эди.

Уч ўртоқ қўшни маҳалладан келган Тўлқиннинг мотоциклини тузатмоқчи бўлишган. Улар ишга берилиб кетиб катта тезликда келаётган машинага парво ҳам қилишмаган, аниқроғи машина тўғри йўлдан ўтиб кетади деб ўйлашган. Ахир уват катта йўлдан анча узоқда эди-да!..

Ҳамма иш кўз очиб юмгунча, бир дақиқада содир бўлди. Маст ҳайдовчи фақат фалокат рўй берганидан кейингина ўзига келган-у, аҳволни кўриб, «Жигули»ни ташлаб жуфтакни ростлаб қолган.

— Номардни қаранг-а, — деди терговчи, — кечаси соат ўн бирларда машинамни ўғирлаб кетишди деб Фарғона милициясига қўнғироқ қилибди. Автоинспекция ходимлари тунда машина тошланганлигини айтиб уни уйдан чақиртириб келишипти. Шофёр аввалига тонган бўлса ҳам кейин айбига иқрор бўлди.

...Эрталабгача гоҳ ўзига келиб, гоҳ ҳушидан кетаётган Содиқнинг ёнидан врачлар, ҳамширалар силжишмади. У ҳамон алаҳсираб, аллақандай поезд тўғрисида гапирарди. Боши боғлиқ, синган қўли тахтакачда, юзи, кўзи шишиб, қорайиб кетган. Ҳамширалар устма-уст укол беришарди. Тонг отганда иситмаси сал пасайгандек бўлди, бироқ бирор соатдан кейин яна кўтарилиб кетди.

Сешанба куни Баннап ҳам тўртинчи палатага ётқизилди. Икки бемор рентген кўригидан ўтказилгач Содиқнинг чап ўпкаси ишламаслигининг сабаби ҳам аниқланди. Қовурғаси синиб ўпкани қисио қолган экан. Қовурға аста кўтарилгач нафас олиш ҳам изга тушди.

Врачлар ҳар дақиқани ғанимат билиб ўлим билан кураш олиб боришарди. Орадан уч кун ўтди. Аммо беморнинг юзидаги шишлар ҳамон қайтгани йўқ, ўзига бутунлай келмаган. Беш минут ўзига келса, ярим соат алаҳсирайди.

— Беморнинг умуртқасидан сув олиш керак. Агар организми бақувват бўлса, юзидаги шишлар ҳам қайтади. Бунинг учун ота-онасининг розилиги керак.

Бу гапни эшитган бобо одатига кўра панжалари билан сийрак соқолини силаб ўғлига маслаҳат берди:

— Рози бўлавер, Одилжон, дўхтирлар бир нарсани биладики, шундай қиламиз дейишяпти...

Дарҳақиқат, умуртқадан сув олингач, Содиқнинг юзидан шиш қайтди, кўзини очиб ёнидагиларни таниди...

— Ие. Баннап, сен нима қилиб ётипсан бу ерда?

— Ўзинг билан бирга келдим, оёғим... қўлим... тиншим...

Сўнгги муддат, ўн бир кун ҳам ўтди. Ўлим чекинди. Тез орада икки ўртоқ Марғилон шаҳар бирлашган шифохонасидан соғ-саломат чиқишди...

Машъал ҲАКИМОВ,
Марғилон шаҳри.

«Главсредазирсовхозстрой»да автомат бошқарув система, сига кенг эътибор бериляпти. «Оргтехстрой» лойиҳа-технология институтининг информация ҳисоблаш марказида автоматбошқарув системаси бўйича информацияларни қайта ишлаш автомат воситалари ва иқтисодий математика кўмагида янги ўзлаштирилаётган ерларда қурилишни бошқаришга оид кўпгина мукаммал вазифалар ҳал этилмоқда. СУРАТДА: (чапдан) инженер В. Борисов ва катта техник И. Музаффаров ўртоқлар информация ҳисоблаш марказида иш устида.

В. Нудлер фотоси.

Қарши чўлини гулистонга айлантириш ниятида мамлакатимизнинг турли бурчакларидан келаётган чўлқуварлар сони кун сайин ошиб бормоқда. Уларнинг бири — Фавзия Ҳасанова. Бошқирдистон Автоном Республикасидан келган бу оловқалб қиз ҳозир «Каршиндустрия» бирлашмасига қараш-ли керамзит заводида меҳнат қилмоқда. Кунлик топшириқларни 120—130 процент адо этяпти. Пастдаги суратда: чўлқувар қиз Ф. Ҳасанова.

Ш. Шаропов фотоси.

ТАБИАТ ЁДГОРЛИКЛАРИ

Республика Фанлар академиясининг ходимлари Тожикистон табиати ёдгорликларини ўрганиш борасидаги уч йиллик ишни поёнига етказдилар. Республика территориясида даштдан тортиб субтропиккача қарийб ҳамма иқлимий пояслар бор.

150 дан зиёд ёдгорлик аниқланди. Панж дарёси ёқасида саҳни 50 квадрат километрга борадиган СССРда энг катта Тузтепа шуларнинг энг муҳимларидан бири. Тепа қалин довдарахтлар билан қопланган бўлиб, уларнинг илдизи улкан туз конини қоплаган юпқагина унумдор ер қатламида ётади.

Тоғларда қулоқи 5 метрга борадиган писта дарахти топилди. Мутахассисларнинг чамасига кўра, дарахт минг ёшга кирган. Ер қуррасида бундай дарахтлар кўп эмас. Ширкент дарёсининг водийсида тошга айланган қумликларда динозаврларнинг излари топилди. Кўкурт деган жойда ҳақиқий минераллар хазинаси топилди. Бу эса геологларнинг Помирда Д. Менделеев даврий системасининг ҳамма элементлари бор, деган фикрини тасдиқлайди.

Олимлар Тожикистоннинг ландшафт, ботаник, гидрологик ва бошқа ёдгорликларини системага солиб тавсифладилар. Бу жойлар давлат қўриқхоналари билан бир хилда муҳофаза қилинади.

(ТАСС).

физкультура ва спорт

ВОЛЕЙБОЛ:

ҲАЛ ҚИЛУВЧИ УЧРАШУВДА

Тошкентдаги армия спорт клубида ўсмирлар ўртасида ўтказилган СССР зонал биринчилиги мусобақалари ниҳоясига етди. Мусобақада фақат қозоғистонликлар учрашувларни мағлубиятсиз ўтказишди. Ҳал қилувчи учрашувда республикамиз қизлар командаси қозоғистонлик дугоналарига (3:2) имкониятни бой беришди. Шунга қарамай, қизларимизнинг мавқеи финалга йўлланма олиш учун имкон берди. Энди улар баҳорги таътил кунлари бошқа зонал группа ғолиблари билан куч синашадилар. Ўсмирларимиз командаси эса Москва ва Қозоғистон командаларига ютқазиб, ғолиблар қаторидан жой эполмай қолди.

ФУТБОЛ:

ТОШКЕНТЛИКЛАР СОВРИНДОР

Олмаликдаги Октябрь 40 йиллиги номли стадионнинг спорт залида мини-футбол бўйича ўтказилган республика биринчилиги мусобақалари поёнига етди. Ўқувчилар ўртасида ўтказилган бу мусобақада Тошкентнинг 1-командаси — Республика мактаб-интернати талабалари бош совринни қўлга киритишди. Иккинчи ўрин Тошкентнинг 2-командаси футболчиларига насиб қилди. Учинчи ўрин эса, ўтган йилги мусобака ғолиблари — фарғоналик футболчиларга лойиқ кўрилди.

КУРАШ:

КУЧЛИЛАР САРАЛАНДИ

Москва ва Днепропетровск шаҳарларида эркин кураш бўйича мактаб ўқувчилари ўртасида Бутуниттифоқ турнири ўтказилди. Беллашувда куч синашган республикамиз вакилларидан тўрт нафари Москвада, саккиз нафари Днепропетровскда учрашувларни муваффақиятли ўтказиб, ғолиблик суласининг юқори поғоналарини эгаллади. Мусобака мутахассислар учун мактаб ўқувчиларининг Бутуниттифоқ XV спартакиадаси финалида беллашишга қодир умидли ёшларни саралаш имконини берди.

БЕЛЛАШУВЛАР, ТЎПЛАР, ОЧКОЛАР

● **БАСКЕТБОЛ.** Ўсмирлар ўртасида СССР зонал биринчилиги баҳсларида ўзбекистонлик йигит-қизлар муваффақият қозонишди. Андижонда ўтказилган бу мусобақада республикамиз қизлар ва ўсмирлар командалари учрашувларни мағлубиятсиз ўтказиб, Бутуниттифоқ биринчилиги финалига йўлланма олишди.

● **ФИГУРАЛИ УЧИШ.** Одессада кучли фигурачилар ўртасида ўтказилган Бутуниттифоқ мусобақасида эркакларнинг якка учиш программаси бўйича жаҳон чемпиони В. Ковалёв пешқадамлик қилди. Ю. Овчинников билан И. Бобриклар иккинчи ва учинчи фахрли ўринларни эгаллашди. Спорт рақси программаси бўйича И. Моисеева билан А. Миненновлар ғолиблик суласининг юқори поғонасига кўтарилишди.

● **ШАХМАТ.** Жаҳон чемпионлигига даъвогарлар ўртасида 17-партия ўйналди. Бунда В. Корчной 57-юришда ғалаба қозонди. Умумий ҳисоб: Б. Спасский — В. Корчной — 7:5; 9,5.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

реклама ВА ЭЪЛОНЛАР

Республика кинофильмлар прокати конторасиси

1978 ЙИЛ ЯНВАРЬ ОЙИДА РЕСПУБЛИКА КИНОТЕАТРЛАРИ ЭКРАНЛАРИГА ҚУЙИДАГИ БАДИИЙ ФИЛЬМЛАРНИ

ЧИҚАРАДИ

„ИКАР“

Сценарий муаллифи — КЛАУС ШЛЕЗИНГЕР.
Режиссёр — ХАЙНЕР КАРОВ.

— Ёш авлод мавзуси мен учун ҳамма вақт асосий тема бўлиб келди ва шундай бўлиб қоладди, — дейди режиссёр Хайнер Каров. Ёш авлод билан ўзаро муносабат, болаларни тушуниш истаги — жамиятимизнинг энг асосий масалаларидан бири деб ҳисоблайман. Матнас — поклик, ростгўйлик ва самимийлик инъикоси. Икар ҳаётда дуч келадиган бефарқлик ва масъулиятсизлик унинг қанотларини қайириди, унинг шахсиятини ерга урди. Фильм сўнггида унинг қанотлари яна ўсиб чиқажаги ҳақидаги қўшиқ янграйди. Биз фильмни оптимистик тарзда тугатишни ният қилдик.

Ажралиш ҳақидаги фильм болалар ва улар қайсики бошдан кечирадиган шарт-шароит ҳақидаги масала билан уйғун ҳолда ҳал этилиши лозим. Улар бахтсиз, зеро биз катталар, фақат ўз ишлаб чиқариш ва жамоа ишларимиз ҳақидагина қайғурамиз. Биз энг асосийси — бу одам, дейишни яхши кўрамиз. Аммо биз, инсон ва унинг бахти учун деб қилаётган ҳамма нарса ҳақиқатда ана шу мақсадлар учун хизмат қилишлигини эсдан чиқариб қўямиз...

«Бу — болалар ҳақидаги фильм ва айни вақтда болалар ҳақидаги эмас», — деб ёзган эди «Икар» ҳақида «Фильм-шпигель» журнали. Болалар ҳақиқатининг ота-оналар ҳақиқати билан тўқнашуви, айниқса, ажралиш вақтидаги азобланиш — «Икар»нинг мавзуси саналади. Янги турмуш қуриш ҳаёли билан банд ота-она бўйи етиб қолган ўз ўғлига эътибор қилмайди, ваҳоланки, у оиланинг бетайинлигини аллақачонлар тушуниб қолган ва ҳувуллаб қолган уйда у ўзига жой тополмайди.

Фильмда П. Вельц, К. Грегорек, А. Ауст, Х. Венцель, Р. Хоппе ва бошқалар қатнашади.

«ДЕФА» СТУДИЯСИНИНГ МАҲСУЛОТИ, ГДР.

«ҚИШКИ ПЛЯЖ ҚОРОВУЛИ»

Сценарий муаллифи — ГОРДАН МИХИЧ.
Режиссёр — ГОРАН ПАСКАЛЕВИЧ.

Фильмнинг бу номи унинг ғоясини аниқ ифода этади: яъни ҳақиқатан ҳам қиш вақтида пляжга қоровулнинг нима кераги бор, фильм қаҳрамони каби ёшлар бугун ўзини ана шундай кераксиз ҳис этади.

...Драган Пашанович мактабни тамомлади, аммо ўзига кўнгилдагидек бир иш тополмайди. Холаснинг тавсияси билан кир ювиш корхонасига кийим-бошларни мижозлар уйига элтиб берувчи бўлиб ишга киради.

Куплардан бир кун тоза кирларни мижозга олиб боратуриб, Драган Любица исмли бир қиз билан танишади. У ҳам яқинда мактабни битириб, ўзи каби иш тополмай уйда ўтирарди. Икки ёш бир-бирларини ёқтириб қолишади, ўзаро ҳамкор ҳис-туйғулар уйғонади.

Аммо ўзига тўқ Любицанинг ота-онаси бундай никоҳ ҳақида эшитишни ҳам хоҳлашмайди. Уларнинг кишиларга нисбатан муносабатида моддий аҳвол асосий ўлчовдир.

Мустақил ҳаёт бошлаш ишқи Драган ва унинг ёш хотинини қайиқ станциясидаги ночоргина уйчага бошлайди. Драган қочиб кетган пляж қоровулининг ишларини бажаришга рози бўлгани учун ҳам уларга бу уйда яшашга рухсат этишади.

Любица бундай иложсиз аҳволга чидай олмай, ўз уйига кетиб қолади. Эсмирнинг отаси фожиали ҳалок бўлади. Драган кўз ёшлари шалола оғаси, бувиси ва холаси билан хайрлашиб, улуғ мақсади — иш топиш учун Швецияга жўнаб кетади...

Фильмда И. Менсур, Д. Стойкович, М. Баняц, Д. Маленич, Г. Косанович ва бошқалар қатнашади.

Фильмлар ишлаб чиқариш Марказий бирлашмасининг маҳсулоти, БЕЛГРАД, ЮГОСЛАВИЯ.

СССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг

ЎРТА ОСИЕ МЕДИЦИНА ПЕДИАТРИЯ ИНСТИТУТИ

Вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кафедра мудирлари: жисмоний тарбия ва врач назорати, сил касаллиги ва болалар сил касаллиги;

кафедра катта ўқитувчиси: жисмоний тарбия ва врач назорати;

кафедра ўқитувчилари: жисмоний тарбия (2 ўрин), рус тили, физика, сиёсий иқтисод;

кафедра ассистентлари: 2-педиатрия факультетининг госпитал педиатрияси (ярим ставка), 1-педиатрия факультетининг госпитал педиатрияси, топографик анатомия билан оператив хирургия (1,5 ставка), 1-педиатрия факультетининг ички касалликлари, социал гигиена ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш (2), ички касалликлар, 2-педиатрия факультетининг болалар юқумли касалликлари, асаб касалликлари, суд медицинаси, тери-венерик касалликлари, болалар ва ўсмирлар гигиенаси билан гигиена, нормал анатомия, патологик физиология, врач назорати.

КОНКУРС МУДДАТИ — ЭЪЛОН ЧИҚҚАН КУНДАН БОШЛАБ БИР ОЙ.

Мурожаат учун адрес: 700140, Тошкент шаҳри, Чермет кўчаси, 103-уй.

Янги ташкил этилган

«СРЕДАЗГАЗЭНЕРГОРЕМОНТ» КОРХОНАСИГА БУХОРО—УРАЛ ВА ЎРТА ОСИЕ — МАРКАЗ

газ қувурлари магистралларида компрессор станциялари энергетика ускуналарининг комплекс ремонти бўйича иш-лаш учун турбиналар, конт-роль-ўлчов асбоблари ва автоматика ремонти бўйича 4—6 разрядли слесарлар, 4—6 разрядли газ-электр пайвандловчилар, ишлаб чиқариш жараёнларининг инженерлари

КЕРАК

Меҳнат ҳақи 1,7 территория коэффициенти билан ишбай — мукофотли ва командировка ҳақи ҳам тўланади. Уй-жой тақдим этилади.

Ушбу адресга мурожаат этилсин: Ўзбекистон ССР, Хоразм область, Урганч шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 28-уй, Телефонлар: 28-26, қўшимча 4-90, 4-91.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 13/I да **Масҳарабозлар**, 14/I да **Севги тумори.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 13/I да **Оқшомдан тушгача** (15.00).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 12/I да **Олифта,** 13/I да **Муқаддас диёр,** 14/I да **Қўлга тушмаган ўғрими?**

Кино

САНЪАТ САРОЙИ — **Хизмат-дош ошиқлар қиссаси** (катта зал), **Зита ва Гита** (кичик зал, кундуз ва кечқурун).

Хизматдош ошиқлар қиссаси — «ҚОЗОҒИСТОН» (12, 13, 17, 18, 20.00), «ДРУЖБА» (12, 15.00, 18, 20.30), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (18, 21.00), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», ЛИСУНОВ номли, «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА», «НУКУС», «ВОСТОК», «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Тилла соатлар (11, 13, 15.00), **Кочубей** (17, 20.00): — «КУКЧА».

Бир крон учун романс — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (12, 14, 16.00), «ДРУЖБА» (11, 13, 14.40, 17, 19, 21.00).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

18 ЯНВАРДАН БОШЛАБ ТАНИҚЛИ МАСҲАРАБОЗЛАР СТАНИСЛАВ ШУКИН ВА ВАЛЕРИЙ СЕРЕБРЯКОВЛАР ИШТИРОКИДА

ЯНГИ ПРОГРАММА

Олдиндан билет сотиш кассаси ишламоқда.

Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз

Телевидение

БУГУН

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

9.00 — «Вақт». 9.35 — Гимнастика. 9.50 — «Горнчилар, қаердасиз!» 10.20 — «Мангу даъват» (бадиий фильм, 4-серия). 11.25 — Фильм-концерт. 15.00 — Ҳужжатли фильмлар. 15.55 — Декабристлар ҳақида ҳикоялар. 16.50 — «Жонажон табиат». 17.15 — Рус тили. 17.45 — «Қувноқ стартлар». 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — «Расмларда қуёш акси бор». 19.00 — «Миллионлар ленинча университети». 19.30 — Ҳужжатли фильм. 20.10 — Хоккей. ВХА «НЬЮЙНГЛЕНД» — СССР. 21.30 — «Вақт». 22.00 — Хоккей (давоми). 22.40 — Концерт. 23.40 — Янгиликлар.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — «Райканинг асирлари» (бадиий фильм). 11.50 — Концерт. 12.40 — «Оқ қўнғил кишилар» (бадиий фильм). 14.05 — Волейбол. Ўсмирлар ўртасида СССР зонал биринчилиги. Ўзбекистон — Москва. 17.55 — «Ёшлик» 18.15 — «Моддий ресурслар — катта бойлигимиз». 18.45 — «Чорвадор». 19.05 — «Ахборот». 19.20 — «Бонивур қалби» (бадиий фильм, 2-серия). 20.30 — «Ахборот». 20.50 — «Дирижёр ҳикоя қилади». 21.30 — «Вақт» (Москва). 22.00 — «Жиноят содир бўлмаслиги мумкин эди» (спектакль). 23.15 — Ҳужжатли фильм.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.00 — Болалар учун фильм. 19.30 — Француз тили. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Операларидан саҳналар. 20.50 — Назарий механика. 21.50 — Физика.

Радио

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА 8.30 — Эстрада концерти. 9.30 — Қўқон театри артистлари ижро этадилар. 11.15 — «Интернационализмнинг буюк самаралари». 12.10 — «Ўзбекистон ишчиси». 13.00 — «Республика бўрдоқичилик хўжаликларида». 13.30 — А. Пахмутова куйлари. 14.00 — «Механизатор — қишлоқда асосий фигура». 16.10 — «Грамафон ёзувлари тарихидан». 19.00 — «Халқ контроли ҳаракатда». 19.20 — «Ёшлик». 20.25 Татар куйлари. 21.00 — Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 22.00 — Қўшиқлар ва рақслар. 22.30 — Қардош коммунистик партияларда. 22.40 — «Менинг танишим» (очерк). 23.20 — Кечки концерт.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг коллегияси, партия ва маҳаллий комитетлари министрликнинг назорат тафтиш бошқармасининг (КРУ) бошлиғи

Абдусамат ҚИРҒИЗБОЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қиладилар.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700 000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41 * ТЕЛЕФОНЛАР: Коммутатор — 330249 дан 330258 гача Эълонлар — 338142.

Р. 00119. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Д. — 10.